

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НАСИБАХОН АБДУЛЛАЕВА

**АКАДЕМИК СИДДИҚ РАЖАБОВНИНГ
ИЖТИМОЙ-ПЕДАГОГИК
ТАЪЛИМОТИНИ ТАЛАБАЛАРГА ЎРГАТИШ**

Услубий қўлланма

**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси нашриёти
Тошкент-2007**

Кириш

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисидаги” ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талаблари асосида ёшларни комил инсон, баркамол шахс сифатида тайёрлаш ва унда халқимиз тарихида таълим-тарбия ишларини такомиллаштириш йўлида ўзининг педагогик илмий-тадқиқот ҳамда кадрлар тайёрлаш йўлида олиб борган ишлари меросини ўрганиш ва таълимга олиб кириш муҳим масала сифатида ўрганилмоқда.

Ҳозирги кунда халқимиз тарихида ёшларни тарбиялаш ва уларни билим олиш, жамиятда ўз касбини маҳоратли эгаси бўлиб, мамлакат ривожига учун ҳисса қўша оладиган ёшларни тарбиялаш қонуниятлари, қоидалари ва усулларни ўрганувчи педагогика фанининг раванқ топиши йўлида намунали хизмат қилган олимларимиз ҳаёти ва педагогик фаолиятларини ўрганиш муҳим вазифалардан биридир.

Ўзбек халқ мактабларини барпо этишда Абдуқодир Шокирий, Абдурауф Фитрат, Х.Х.Ниёзий, А. Авлоний, Қори Ниёзийлар билан бир сафда ўқитувчилик фаолияти билан бирга педагогиканинг назарий ҳамда тарихий ривожига муносиб ҳисса қўшган кишиларимиздан бири Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, педагогика фанлари доктори профессор С.Р.Ражабовдир. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, олим ўз илмий фаолиятини бир неча йўналишларда олиб борган. Жумладан, педагогика фанининг методологик муаммолари, одоб ахлоқ ва тарбия масалалари, олий таълим дидактикаси, педагогика тарихини ўрганиш ва унинг ривожланиш истиқболларини таҳлил этиш, шунингдек ахлоқан пок ва етук инсонларни тарбиялаш масаласини мувоффақиятли ҳал этишда халқимизнинг тарихий анъаналари, маънавий бойликлари, аجدодларимизнинг бизга қолдирган илмий меросларини аҳамиятини доимо тарғиб этиш унинг илмий фаолиятида марказий ўринни эгаллаган. Бу борада Ўзбекистон републикаси президенти И. А. Каримовнинг қуйидаги сўзлари алоҳида эътиборга моликдир: “Насли насабини билмаган киши инсон саналмайди. Нега йиллар бизнинг тарихимиздан, динимиздан, маънавий меросимиздан ғофил этишга уриндилар. Аммо биз истиқлолни орзу этишдан, хуррият учун курашишдан чарчамадик, масхабларимиз, насл-насабимизни доимо ёдда сақладик. Улуғ бобокалонларимиз руҳига, башарият тарихи ва маданияти хазинасига катта ҳисса қўшган улуғ аждодларимизга, улар қолдирган улкан меросга муносиб бўлиш истаги жамиятимиз аъзолари орасида кенг ёйилиши ҳар бир фуқаронинг онгидан мустаҳкам жой олиши – бу ҳам янги замоннинг муҳим ҳусусиятидир”.

Дарҳақиқат, халқимиз тараққиёти давомида эришган ва яратган маданий бойликлари, ахлоқий қарашлар ва қоидаларидан тўғри фойдаланмасдан туриб, миллий қадриятларни англайдиган юртсевар ва халқпарвар ёшларни камолга етказиш мумкин эмас. Ўтмиш маданий меросини ўрганиш жамият ва фан тарққиёти учун зарур бўлган масалалардан биридир. Чунки аждодларимиз қолдирган маданий меросдан барча даврлар учун керак бўладиган ажойиб, илғор фикрлар борки, бу фикрлар бугунги тараққиётимиз учун ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Уларнинг инсон-шахс ва унинг жамиятда тутган ўрни ҳамда унинг таълим-тарбияси ҳақидаги қимматли доно фикрлари халқимизнинг маънавий дунёсини янада бойитганлар. Шунинг учун ҳам ўтмиш маданий меросининг бугунги истиқлол мафкурасини шакллантиришдаги роли, унинг жамият маънавий ҳаётидаги аҳамиятини ўрганиш ва кўсатиб бориш муҳим назарий ва амалий аҳамиятга молик иш ҳисобланади.

Таълим-тарбия жараёни ва унинг кўп асрлик тараққиётини ўрганиш бугунги кунда педагогика соҳасидаги ишларни ривожлантирувчи энг муҳим таянч ҳисобланади.

Сидиқ Ражабов республикамызда Халқ маорифи, педагогика фанини ривожлантиришда фидокорлик билан меҳнат қилган авлодимизнинг вакилидир. У ўз ҳаётини республикамызда педагогика илмининг камол топишига, халқ маорифини раванқ топишига, касбий маҳорати юқори бўлган педагогик кадрлар тайёрлаш ишига бағишлаган.

С. Ражабов республикамиз илмий педагогик жамоатчилик орасидан чиққан дастлабки, биринчи педагогика фанлари кандидати, дастлабки доцент, дастлабки фан доктори, профессор ва академикдир.

У фақат Ўзбекистонда эмас, балки Марказий Осиё республикалари, қолаверса МДХ миқёсида ҳам маълум ва машхур эди.

1.Сиддиқ Ражабовнинг ҳаёти ва педагогик фаолияти юзасидан педагог кадрлар билими, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар:

Ўзбекистон педагогика фани тараққиётига улкан хисса қўшган Сиддиқ Ражабов ва унинг педагогик фаолияти юзасидан талабалар қуйидагиларни билиши лозим:

- Сиддиқ Ражабовнинг болалик ва талабалик йиллари;
- Алломанинг болаликда кўрган қийинчиликларини давр нуқтаи-назаридан келиб чиқиб таҳлил қилиш;
- Собиқ тузум ғоявий сиёсий йўналишининг Сиддиқ ражабов таълимотига таъсирига танқидий ёндашишни;
- Ўзбекистонда олий мактаб дидактикасининг шаклланишида Сиддиқ Ражабов фаолиятининг ижтимоий аҳамиятини;
- Сиддиқ Ражабовнинг фаолиятида мактабшунослик масалалари ва ушбу қарашларнинг ҳозирги мамлакатимиз мактаб таълими тизимидаги ўрни аниқлай олишни;
- Давр педагогика фани муаммолари ечими ва маориф соҳасидаги ислохатларнинг амалга оширилишида Сиддиқ Ражабов педагогик ғояларининг нечоғлик ҳаётийлиги ва уларнинг замонавий таълим соҳасидаги ислохатларига мос келишини фарқлай билиш;
- С.Ражабовнинг шахс ва унинг дунёқарабини шакллантириш юзасидан педагогик қарашлари ва уларнинг ҳозирги замон нафасига тўғри келишини англаш;
- Ўқувчиларга С.Ражабов таълимотини ўргатиш бўйича усул ва воситаларни танлашни.

Академик Сиддиқ ражабов таълимотини педагог кадрлар тайёрлаш таълимида ўргатиш юзасидан ўқув-мавзуй режа

№	МАВЗУЛАР	ЖАМИ	МАЪРУЗА	АМАЛИЙ	СЕМ ИНАР
1	Болалик ва талабалик йиллари	2	2	-	-
2	Сиддиқ Ражабовнинг ижтимоий - педагогик фаолияти	2	-	2	-
3	Ўзбекистонда олий мактаб дидактикасининг шаклланишида Сиддиқ Ражабов фаолиятининг ижтимоий аҳамияти.	2	-	-	2
4	Сиддиқ Ражабовнинг фаолиятида мактабшунослик масалалари	2	-	2	-
5	Педагогика фани муаммолари ечими ва маориф соҳасидаги ислохатларнинг амалга оширилиши.	2	2	-	-
6	С.Ражабовнинг шахс ва унинг дунёқарабини шакллантириш юзасидан педагогик қарашлари	2	-	2	-

7	Сиддиқ Ражабов педагогик таълимотининг замонавий педагогика фанидаги ўрни ва уни амалиётга татбиқ этишнинг педагогик хусусиятлари	2	-	-	2
8	Синов:	4		4	-
8.1.	Оғзаки, ёзма, тест				
	жами	18	4	10	4

Сиддиқ Ражабов таълимотини педагогик кадрларга ўргатиш бўйича ўқув дастури:

1-мавзу: Сиддиқ Ражабовнинг болалик ва талабалик йиллари юзасидан маълумотлар: инқилобдан кейин Ражаб ака(отаси)нинг ўғлини янги мактабга бериши, лекин кўп ўтмай отасининг вафот этиши. Натижада ўша даврда оила тебратиш, отадан жуда ёш қолган сингилларига оталик қилиш ёш Сиддиқнинг зиммасига юкланганлиги. Ҳар қандай қийинчиликнинг кичкина Сиддиқнинг ўқишга бўлган иштиёқини сўндира олмаганлиги. Сиддиқ Ражабовнинг таълим олган муассасалари. Талабалик йилларидаги ижтимоий фаолликлари, олиб борган ташкилий ишлари. Таълим олишини мунтазам ривожланишига, давом эттиришига сабаб бўлган кишилар ва вазиятлар

2-мавзу: Сиддиқ Ражабовнинг ижтимоий-педагогик фаолияти юзасидан маълумотлар: илк педагогик фаолияти, олимнинг илмий ижодида педагогика фанининг энг муҳим муаммоларини давр талаблари нуктаи-назаридан тадқиқ қилинганлигини, педагогика тарихига оид жуда кўп масалаларни назарий жиҳатдан ҳалқчиллик асосида ҳал қилинганлиги, унинг 1935 йилданок таълим-тарбия масалаларини ўрганишга, Республикамизда ҳалқ маорифи ривожининг объектив қонунларини илмий-тадқиқ қилишга киришгани, шунингдек, олимнинг дастлабки илмий ижодидаёқ ҳалқ маорифидаги долзарб муаммоларнинг тарғиб қилиниши, ёшлар ташкилотига раҳбарларликнинг ёшларнинг ўзларидан танланиши лозимлигини таъкидлагани ва бунинг ижтимоий ташкилотлар фаолиятига янгича тус бергани, мутбуотдаги чиқишлари (илмий мақола ва монографиялари), 1934-1937 йилларда аспирантурани мувоффақият билан тамомлагани, Ўзбекистон педагогика фанлари илмий текшириш институтига илмий ходим ва Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг педагогика кафедрасига ўқитувчи этиб тайинланиши, илмий тадқиқот ишини педагогик фаолияти билан қўшиб олиб бориши, кечки педагогика институти директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари сифатида ҳамда ёш ўқитувчи мутахассисларини тайёрлашда педагогик жамоатчилик ўртасида ўз ишини пухта биладиган раҳбар, етук илмий ходим ва маҳоратли ўқитувчи сифатида танилиши, урушгача бўлган даврда С. Ражабовнинг “Олий педагогика ўқув юртларининг иш сифатини юқори кўтарайлик” (1938 йил 5-январь), “Олий ўқув юртлари ҳаётида муҳим давр” (1940 йил 4-июнь), “Мактабдан ташқари тарбиявий ишлар” (1940 йил 26-июнь), “Ян Амос Каменскийнинг педагогик қарашлари” (“Ўқувчилар газетаси”, 1941 йил 14-май), “Имтихонларнинг юқори сифати учун курашайлик” (1941 йил 25-май) каби ишлари матбуотда эълон қилиниши, ўзининг тиришқоқлиги, ўз фанига жон дилидан қизиққанлиги туфайли 1941 йилда “XIX аср ва XX аср бошларида Бухорода мактаб ва маориф тараққиёти очерки” номли асари бўйича Ўзбекистонда маҳаллий миллат орасида биринчи бўлиб, номзодлик диссертациясини мувоффақият билан ҳимоя қилиши, бошқаларга маслаҳат бериб, уларга раҳбарлик қилувчи шахс-устоз ва илмий маслаҳатчилик қилиши, 1941 йилда С. Ражабов собиқ ҳукумат даврининг нуфузли газетасига масъул муҳаррир ўринбосари лавозимида тайинланиши, кейинчалик масъул муҳаррир вазифасига тайинланиши, уруш йилларида у бошқарган матбуотнинг фаолияти.

3-мавзу: Ўзбекистонда олий мактаб дидактикасининг шаклланишида Сиддиқ Ражабов фаолиятининг ижтимоий аҳамияти: С.Ражабовнинг ўша даврда назарий

жихатдан мавжуд бўлган, лекин амалда илмий асосига эга бўлмаган олий мактаб дидактикасига алоҳида эътибор бериб, изланишлар олиб боргани, олий мактабда қўлланилаётган таълим шакллари, воситалари, методларигатанқидий ёндашиши, олимнинг таълимда риоя қилинаётган тамойилларни таҳлил қилиши, ўша даврда олий таълим методикасида ҳар бир ўқитувчи ўз фаолиятини ўзича ўтиши керак, акс ҳолда турлича кўрсатмалар шаклидаги тавсияномалардан иборат бўлиб қолади, деган фикрнинг ҳукм сургани, бу фикрга олимнинг тадқиқий амалий жавоб-изланишлари, таълим назарияси ва амалиётида мувоффақиятга эришмоқ учун эса талабаларга билим бериш жараёнида шахсга таъсир этишининг фаол воситаларини қўллаш, бу воситаларни педагогик жараёнга татбиқ қилиш, таълим назариясини ишлаб чиқиш ва тизимга солинишини долзарб масала сифатида талқин қила олгани, С.Ражабов ўз даврида олий мактабларда тўпланган илғор тажрибалар ўқитиш ишини фақат анъанавий методлар билан олиб бориш натижасида амалиёт керакли натижага эриша олмаётганини (чунки кўпгина институт ва университетларда асосан маърузалар—баён қилиш методи қўлланилаётгани ва бунда ўқитувчи талабанинг ўқув материални мустақил ўзлаштиришига эътибор бермаётганини) кузатган ҳолда таълим жараёнида ўқитишнинг фаол-эффектли усулларида фойдаланиш лозим деган фикрларни илгари сургани, фан-техника революцияси деб таърифланган 20 аснинг иккинчи ярмида, билим ва информация ҳажми кескин ўсиб, кенгайиб бораётган даврда, олий мактаб олдидаги талабаларга ана шу тараққиёт даражасида билим бериш йўллари ишлаб чиқишдек долзарб педагогик муаммони ҳал этиш устида ўз издошлари билан бирга тадқиқотлар олиб боргани.

4-мавзу: Сиддиқ Ражабовнинг фаолиятида мактабшунослик масалалари: Академик Сиддиқ Ражабов мактабни ўз бошқарув механизми ва таркибига эга бўлган давлат ривожланишига ёш авлодни ватанпарвар, ахлоқий етук, ақлан теран, жисмонан бақувват маънан бой комил этиб тарбиялаш билан ижтимоий таъсирини берувчи ҳамда давлат сиёсатининг муҳим вазифаларидан —мажбурий таълимнинг ташкилотчиси ва маскани деб эътироф этиши ва мактаб вазифаларини тизимга солгани, унинг таълимотида давр мактаби такомилланишига таъсир этувчи ижтимоий жараёнларни таҳлил қилгани, мактабдаги методик ишларнинг шакллари ажратиб бергани, мактаб метод бирлашмаларининг иш фаолияти йўналишларни белгилаб бергани, мактаб таълимини тўлақонли амалга оширилишига таъсир этувчи омилларни ҳаётий, реал ва регионал шароитларни ҳисобга олиб таҳлил қилгани ва амалий тавсиялар бергани, самарали мактабнинг муҳим белгиларини ажратиб кўрсатгани, мактаб даврий ҳисоботларининг муҳимлигини ва мактаб фаолиятининг ижтимоий-педагогик йўналишларини асослаб берагани, “Педагогика фани тараққиётининг баъзи масалалари” рисоласи.

5-мавзу: Сиддиқ ражабов яшаган давр педагогика фани муаммолари ечими ва маориф соҳасидаги ислохотларнинг амалга оширилиши: мактабнинг турмуш билан боғланишини мустаҳкамлаш ва мамлакатда халқ маорифи тизимини янада ривожлантириш соҳасида ҳукумат амалга ошираётган тадбирлар омманинг онглилигини ошириш соҳасида самарали иш олиб бориш учун муҳим замин вужудга келтиргани, фан ва техниканинг кун сайин ривожланиши билан боҳлиқ ҳолда профессионал-техника ва ишлаб чиқариш таълими тизимини такомиллаштириш, ёшларда ахлоқ принципларини мустаҳкамлаш, миллатчилик, ирқчилик, шовинизмга қарши интернационализм ғояларини оммага онгига сингдириш, мамлакатда халқ хўжалигининг барча тармоқларининг ривожланиши йирик ишлаб чиқариш базасининг вужудга келиши ҳамда унинг фан ва техниканинг илғор ютуқлари билан қуролланиши таълим муасасаларига олдига қатор вазифаларни қўйиши, халқ хўжалигининг илғор техника асосида қайта қурилиши натижасида мамлакатда пайдо бўлган янгидан-янги ҳар хил комбинатлар, заводлар, қурилиш ва транспортлар объекти ўша даврда политехника таълимининг такомилланиши учун туртки бўлиши, таълим масканлари олдида ёш авлоднинг ҳар

томонлама етук илмли, политехника билимига эга бўлган кишилар этиб етиштириш масалаларининг хал этиш йўллари, хотин-қизлар таълимига эътибор, Сиддиқ ражабовнинг Ўзбекистонда педагогика ва педагогика тарихи бўйича илмий кенгаш ташкил қилишга мушарраф бўлиши.

6-мавзу: С.Ражабовнинг шахс ва унинг дунёқарабини шакллантириш юзасидан педагогик қарашлари:

7-мавзу: Сиддиқ Ражабов педагогик таълимотининг замонавий педагогика фанидаги ўрни ва уни амалиётга татбиқ этишнинг педагогик хусусиятлари

1-мавзу: Сиддиқ Ражабовнинг болалик ва талабалик йиллари.

Мақсад: талабалар Сиддиқ Ражабов ҳаёти ҳақида тасаввурга эга бўладилар.

Кутилаётган натижа: * талабалар Сиддиқ Ражабовнинг болалик ва талабалик йиллари тўғри келган давр ижтимоий-сиёсий тузум, ушбу тузумда олимнинг кўрган қийинчиликлари ҳамда унинг ушбу қийинчиликларни енгиб, ўз олдига қўйган мақсадига эришганини танқидий таҳлил қиладилар.

Жихозлар: Тарқатма (олим ҳаёти батафсил ёритилган мазмун-матн, ва Сиддиқ Ражабов яшаган (болалик, талабалик йиллари тўғри келган) давр хусусиятлари юзасидан келтирилган маълумотлар, аллома ҳақида шогирдлари, яқинлари келтириб ўтган шарҳлар битилган манбалар (адабиётлар, газета ва журналлар), А 4 формат қоғоз, флипчарт қоғоз, маркерлар, рангли қоғозлар,

Машгулот давомийлиги: 90

Аудитория: педагог кадрлар тайёрлаш, таълими муассасалари талабалари. (20-30 нафаргача)

Жараённинг бориши:

1-қадам. Ўқитувчи (олиб боровчи, тренер, модератор, фасилитатор) талабаларга савол билан мурожаат қилади.

? XX асрда миллий педагогика тараққиётига хисса қўшган педагог, олим, маърифатпарварларни эсланг ва дафтарингизга ёзинг.

2-қадам. Жуфтликлар ҳосил қилинади ва уларга қуйидаги топшириқ берилади.

! Жуфтликдаги ўртоғингиз билан ёзганларингизни муҳокама қилинг.

- Келтириб ўтган шахслар ҳақида нималарни билсангиз ўртоқлашинг.

- Сиз учун янгилик бўлган маълумотларни ёзишингиз мумкин.

3-қадам. Аудиторияда 4 ёки 5 та гуруҳ ҳосил қилинади.

Эслатма: талабаларни гуруҳга ажратиш ўқитувчининг хоҳишига асосан амалга оширилиши мумкин. Бироқ мавзуга оид 5та гуруҳга мос мазмунда карточкалар тайёрланса, янада мақсадга мувофиқ бўлади.

4-қадам. Жуфтликлар ўз ишларини оғзаки навбатдан айтадилар. Бунда 3-4-5-жуфтликларнинг чиқишидан бошлаб, алломалар, маърифатпарварлар номи такрорлана бошлайди. Шунда ўқитувчи:

Қайси жуфтликда, айтиб ўтилмаган шахсларнинг номи келтирилган дея жараёни тезлаштиради. Сўнгра талабаларнинг назоратидан четда қолган шахслар ҳақида умумий маълумотларни келтириб ўтиб, мавзунини эълон қилади.

Мавзу: Сиддиқ Ражабовнинг ҳаёти ва педагогик фаолияти.

5-қадам. Гуруҳда ишлаш давом этади.

1-гуруҳга. Сиддиқ Ражабовнинг болалик йиллари

2-гуруҳга. Сиддиқ Ражабовнинг талабалик йиллари

3-гуруҳга. Шу йиллар давр хусусиятлари

4-гуруҳга. Сиддиқ Ражабов ҳақида шогирдлари яқинлари келтириб ўтган шарҳлар.

Ҳақидаги мазмун акс этган тарқатма материал берилади ва топшириқ.

! Гурухингизга берилган материал билан танишиб чиқинг ва ушбу маълумотларни умумлаштириб, флипчарт қоғозга ўзингиз хоҳлаган тартибда, шаклда ифодаланг.

Шундай ифодалангки, бошқа гуруҳ аъзолари сиздаги маълумот ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлсин.

Топшириқни бажариш тартиби:

1. Аввал орангиздан бирингиз ўқинг ва бошқалар эшитиб, сўнгра қоғозга тушириш лозим бўлган маълумотларни ўз дафтарингизга ёзинг.

2. Барча маълумотларни саралаб, бўлганингиздан кейин, флипчарт қоғозга қандай туширишингизни биргаликда ўйлаб кўринг.

3. Маркерлар ёрдамида флипчарт қоғозига ёзиш қондасига риоя қилган, яъни харфлар катталиги 4-5 см дан кам бўлмаган ҳолда маълумотларни ёзинг.

Эслатма: Ўқитувчи гуруҳлар ёнига бориб, уларнинг таҳлилини кузатиб, флипчарт қоғозга тушириш бўйича тавсиялари (жадвал, кластер ёки даврий босқичларга бўлиб) ни бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

7-қадам. Гуруҳ ишларининг тақдироти.

Бунда гуруҳлар ихтиёрий равишда тақдимотчини танлайди ва у аъзони тақдимот қилишга тайёрлайди.

8-қадам. Ўқитувчи ҳар бир тақдимотни умумлаштириб, Сиддиқ Ражабов ҳаётига оид фикрларни хулосалайди.

Бунда энг муҳими гуруҳнинг назаридан муҳим деб санамаган маълумотларни ўқитувчи алоҳида такидлаши лозим.

9-қадам. Талабалар аудиторияда экскурсия уюштириб, бошқа гуруҳ намоёниш этган маълумотларни дафтарларига ёзиб олиши, тушунмаганлари ёки қизиқтирган саволларини тегишли гуруҳга бериши мумкин.

10-қадам. Топшириқ:

Мен бугунги машғулотдан..... билиб олдим.

Олган маълумотларимдан..... мен учун янгилик,ни эса билар эдим.

Менга лар ҳаётимда фойда келтиради.

11-қадам. Ўқитувчи фаол гуруҳ ва талабаларни рағбатлантиради. (жорий назорат сифатига гуруҳнинг 70% баҳо олиш имконига эга бўлади).

12-қадам. Уйга вазифа:

Агар Сиддиқ Ражабов собиқ эмас, балки ҳозирги тузум даврида яшаганида яна нималарга эриша олган бўлар эди? Шу ҳақида тасаввур қилиб, хулосалар келтиринг.

2-мавзу: Сиддиқ Ражабовнинг ижтимоий-педагогик фаолияти юзасидан маълумотлар.

Мақсад: Талабалар Сиддиқ Ражабовнинг ижтимоий педагогик фаолияти юзасидан маълумотларни билиб оладилар ва уларни баҳолашга ўрганадилар.

Кутилаётган натижа: * Талабалар яқка ва гуруҳда ишлаш орқали Сиддиқ Ражабовнинг педагогик фаолияти йўналишларини ишлаб чиқадиладар;

* Сиддиқ Ражабовнинг ижтимоий-педагогик фаолиятини босқичларда ажратадилар.

Жихозлар: А 4 форматли қоғозлар, флипчарт қоғоз, маркерлар ва Сиддиқ Ражабовнинг таълимотига тааллуқли манбаалар ва уларнинг рўйхати.

Усуллар: Рефлексия, яқка гуруҳда ишлаш, ўқув-мунозара, суҳбат, тақдимот.

Давомийлиги: 90

Жараёнининг бориши:

1-қадам. Рефлексия (қайта хотирлаш).

Мен Сиддиқ Ражабов ҳақида биламан.

Талабалар ўз дафтарларига тўлиқсиз жумлани тегишли фикрлар билан тўлдиради.

2-қадам: талабалар занжирсимон тарзда фикрларини айтадилар.

Бунда фикр такрорланмаслиги талаб қилинади.

3-қадам. Гурухларга ажратилади ва қуйидаги савол-топшириқ берилади.

Сиддиқ Ражабовни XX аср педагогика фани тараққиётига улкан хисса қўшган шахс сифатида тан олишимиз учун биз у ҳақида нималарни билишимиз лозим?

Кутилаётган жавоблар: қилган ишлари, янгиликлари, илмий изланишлари, асарлари, фаолияти....

Демак, бугунги мавзу Сиддиқ Ражабовнинг ижтимоий-педагогик фаолиятига бағишланади.

4-қадам. Кичик маъруза. Ўқитувчи доскада ёки кодоскоп ёрдамида слайдларда, ёки Сиддиқ Ражабовнинг ҳар бир фаолияти шакли ва мазмуни акс этган алоҳида рангли қоғозларни

(масалан, Сиддиқ Ражабовнинг илк педагогика фаолияти дебёзилган кўп рангли А 4 қоғоз доскага скоп ёрдамида ёпиштирилади ва ўқитувчи тегишли маълумотларни оғзаки, йил ва алоҳида номга эга бўлган мазмунни доскага қоғоз ёнига ёзиш мумкин. Шу тарзда яна, масалан Сиддиқ Ражабовнинг ташкилотчилик фаолияти деб ёзилган яшил рангли А 4 қоғоз доскага биринчи кўк рангли қоғоз тагига ёпиштирилади ва х.к.).

5-қадам. “Карусель” машқи.

Гурухларга қуйидагича жадвал тасвирланган флипчарт қоғоз тарқатилади.

	Педагогик фаолияти шакли	Йўналиши мазмуни	Амалий аҳамияти
1-гурух илк пед. Фаолияти			
2-гурух ташкилотчилик ф.ти			
3-гурух ижодий фаолияти			
4-гурух ташвиқотчилик фаолияти			

Ушбу машқ қуйидагича 5 босқичада ўтказилади.

1. Ҳар бир гурухга топшириқ тушунтирилади.

2. Ҳар бир босқич вақти ченгараланади.

3. Ҳар бир гурух ўзига тегишли жадвални тўлдиради. Бунда флипчарт қоғози ҳар бир гурух учун ажратилган қисми етарлича катта бўлиши таълаб этилади.

4. Биринчи топшириқ бошланади вақти белгиланади. 10 дақиқа ичида маруза давомида ўрганган маълумотларингизга асосланиб жадвалнинг сизга тегишли қисмини тўлдириш.

Эслатма: бунда гурухлар жадвалнинг ўзига тегишли қисмини улгурганча тўлдиради. Вақт тугагач, ўқитувчи жараёни тўхтатади.

6-қадам. Энди флипчарт қоғозлари билан алмашиш. Кейинги гурухга узатинг.

Топшириқ: қўлингизга келган ишнинг тегишли жойига фикр қўшинг.

Бунда 1-гурух ишнинг 2-гурухга, 2-гурух 3-гурухга, 3-гурух 4-гурухга, 4-гурух 1-гурухга узатган бўлади.

Демак, масалан, 1-гурух тегишли жойга эътибор қаратиб, шу гурух тўхтаб ўтмаган маълумотлар билан тўлдиради.

Эслатма: гурухларга ҳар хил маркер берилган бўлади.

7-қадам. 5 ўтгач, иш қоғозлар яна алмашинади.

Энди 1-гурухга, 3-гурухнинг қоғози келади, ва 3-гурухнинг иши тўлдирилади.

Шу тарзда ҳар бир гурухга бирма бир бошқа гурухнинг иши келади, тегишли фикрлар билан тўлдирилади. Охири босқичда ҳар бир гурухнинг ўзига ўзининг биринчи тўлдирган қоғози айланиб келади.

8-қадам. Топшириқ сизнинг фикрларингизга қўшимча қилган маълумотлар билан танишинг. Қўшилган фикрни таҳлил қилинг ва гурух аъзоларингиз билан ушбу фикрни қабул қилиш ёки қабул қилмаслик (бунда қўшилган фикр гурухнинг фикрига мантқан ўхшаш ёки бу гурух иши мазмунига тўғри келмаслиги мумкин) ҳақида ўйланг ва хулосангизни асослаб беринг.

9-қадам. Такдимот. Ҳар бир гурух ўз ишини такдимотини ўтказади. Қўшилган фикрни қабул қилган бўлсалар, шу фикр-гап бошида (*) белгиси қўйилади.

Бунда фикр қўшган гурух ҳам ўз фикрларини химоя қилиши мақсадида мувофик-мухоказа сўнг қайси гурух асосли гапирса шу гурухнинг фикри инобатга олинади.

Эслатма: Шу вақитда мунозарали вазият юзага келади. Чунки ҳар бир гурух ўз фикрини химоя қилишга уринади. Шунда ўқитувчи вазиятни бошқара олиши ҳамда қайси гурух ҳақ эканлигини исботлаб бериши лозим.

10-қадам. Фаол гурух ва талабалар баҳоланади.

11-қадам Уйга вазифа бугунги ўтилга маълумотларингизни конспектлаштиринг.

3-мавзу: Ўзбекистонда олий мактаб дидактикасининг шаклланишида Сиддиқ Ражабов фаолиятининг ижтимоий аҳамияти.

Мақсад: Талабалар Сиддиқ Ражабовнинг Олий таълим дидактикаси шаклланишига қўшган хиссасини билиб олади.


Кутилаюган натижа. Талабалар Олий таълим дидактикаси касига хос тушунча ва тамойиллар, усул ва воситаларни таҳлил қилади.

Жараёнинг бориши.

1- қадам. Кичик маъруза. Ўқитувчи иловада келтирган “Олий таълим дидактикаси”га оид маълумотлар бўйича ўқувмунозара асосида маъруза ўтказади.

2- қадам. Кластер машқи.

Доскада олий таълим дидактикасига оид тушунчалар доирага ёзилади.



4-қадам. Талабалар 4 та кичик гуруҳларга бўлинади ва гуруҳларга топшириқ берилади.

Топшириқ: Ёзганларингизни гуруҳингизда муҳокама қилинг.

5-қадам. Гуруҳ аъзоларидан ихтиёрий бир талаба чиқиб, ўқитувчининг қўлидаги карточкадан бирини олади.

Ўқитувчининг қўлида қуйидаги карточкалар мавжуд бўлади.

1-карточка- Олий таълим тамойиллари.

2-карточка- Олий таълимнинг бошқа таълим йўналишларидан фарқи.

3-карточка- Олий таълим тамойиллари.

4-карточка- Олий таълимда қўлланиладиган усуллар ва воситалар.

6-қадам. Яна бир марта қайта кўриб чиқиб, шаклнинг ўзингизга тегишли қисмига оид тушунчаларни келтиринг ва уларни асослаб беринг.

7-қадам. Гуруҳлар ихтиёрий равишда тақдимотчини танлайди ва у гуруҳ номидан фикрларни айтиб, асослаб, доскага ёзиб беради.

8-қадам. Ҳар бир гуруҳ чиқишидан сўнг доскадаги шакл тегишли фикрлар билан тўлдирилади.

9-қадам. Ўқитувчи талабалар фикрларини умумлаштирган ҳолда ёзиб олишларини таклиф қилади.

10-қадам. Сиддиқ Ражабов таълимотига оид интервью саволларини тузиб келинг.

4-мавзу : Сиддиқ Ражабовнинг фаолиятида мактабшунослик масалалари

Мақсад: Талабалар С.Ражабовнинг мактабшунослик масалалари бўйича педагогик қарашлари ва илмий хулосаларини таҳлилий ўрганадилар ва билимларини тизимлаштирадилар.

Кутилаётган натижа: Кичик гуруҳларда мактабшунослик йўналишлари алоҳида таҳлил этилади ва ушбу йўналишлар мазмунининг бугунги кундаги талқини ҳақида мулоҳаза юритадилар.

Жихозлар: А4 формат қоғозлар, флипчарт қоғозлар, тарқатмали материаллар.

Жараённинг бориши:

1 қадам. Минимаъруза. Ўқитувчи С.Ражабовнинг мактабшунослик масалалари бўйича педагогик қарашларининг умумий йўналишларини айтиб ўтади ва гуруҳларга тарқатмали материаллар таркатади.

2 қадам. Инсерт усули (белгилар билан ўқиб ўрганиш ва ўқиш)“+”(биламан), “-”(билмайман), “?”(билмоқчиман).

3 қадам. Кичик гуруҳларга берилган тарқатмали материаллардаги мазмун билан танишиб чиқиб тегишли белгиларни қўйиб чиқиш таклиф этилади.

Изох. Бунда гуруҳнинг ҳар бир иштирокчисига алоҳида тарқатмали материаллар тарқатилган бўлади. Талабалар индивидуал ишлайди.

4 қадам. Гуруҳ ичида жуфтликларда ишлаш. Топшириқ:

Бир-бирингиз билан билиб олганларингиз, билганларингиз ва сизни қизиқтирган маълумотларингиз ҳақида муҳокама қилинг.

5 қадам. Гуруҳда муҳокама этилади. Талабалар тушунганларини бир-бирларига ўртоқлашадилар.

6 қадам. Гуруҳда ишлаш давом этади. Топшириқ: Энди қўлингиздаги тарқатмали материаллардаги маълумотларни қисмларга ажратинг ва бошқа гуруҳ аъзолари ҳам сизнинг назарингизда нитмнаи билиши лозим ва шу ҳақидаги мазмунни ёритиб бериш учун тақдимочини тайёрланг.

7 қадам. Гуруҳлар ўз тақдимотини ўтказадилар. Ҳар бир тақдимотдан кейин ўқитувчи йўналтирувчи саволлар билан аудиториянинг диққатини таянч маълумотларга қаратади.

8 қадам. Талабаларга эштиб, қўрган нарсаларини ёзиш опширилади.

9 қадам. Машғулот якунланади.

5-мавзу: Педагогика фани муаммолари ечими ва маориф соҳасидаги ислохатларнинг амалга оширилиши.

Мақсад: Талабалар С.Ражабов яшаган давр педагогика фани муаммолари ва уларнинг ечимлари, ислохатлар юзасидан маълумотларни эгаллайдилар.

Кутилаётган натижа: Талабалар ҳозирги давр ва ўша давр педагогика фанининг долзарб муаммоларини, маориф соҳасидаги ислохатларнинг мақсади ва йўналишларини таҳлил қиладилар, эгаллайдилар.

Жихозлар. Мавзу бўйича тайёрланган тарқатмали материаллар, маркерлар, қоғозлар.

Жараённинг бориши:

1-қадам. Ўқитувчи маориф соҳасидаги ислохатларнинг мақсад ва вазифалари, уларнинг йўналишлари юзасидан ўқув-мунозара ўтказди. Бунда қуйидаги йўналтирувчи саволлар билан мурожаат қилинади:

- Маориф нима ва унинг мақсади?
- ислохатларнинг юзага келиш омиллари:
- иқтисодиёт ва маданият ривожланиши билан боғлиқ ҳолда маорифдаги ўзгаришлар.

2-қадам. Талабалар гуруҳларга бўлинадилар. (5 та гуруҳ ҳосил бўлади) Гуруҳларга:

1-тарқатмали материал- Аҳолининг саводхонлигини ошириш учун таъсир этувчи шарт – шароитлар;

2-тарқатмали материал – Хотин қизлар таълими;

3-тарқатмали материал- профессионал-техника ва ишлаб чиқариш таълими тизимини такомиллаштириш;

4-тарқатмали материал- ёшларда ахлоқ принципларини мустаҳкамлаш, миллатчилик, ирқчилик, шовинизмга қарши интернационализм ғояларини оммага онгига сингдириш;

5-тарқатмали материал- мамлакатда халқ хўжалигининг барча тармоқларининг ривожланиши йирик ишлаб чиқариш базасининг вжудга келиши ҳамда унинг фан ва техниканинг илғор ютуқлари билан қуролланиши таълим муасасаларига олдига қатор вазифаларни қўйиши, халқ хўжалигининг илғор техника асосида қайта қурилиши

натижасида мамлакатда пайдо бўлган янгидан-янги ҳар хил комбинатлар, заводлар, курилиш ва транспортлар объекти ўша даврда политехника таълимининг такомиллаштириш учун туртки бўлиши.

3-қадам. Гуруҳлар ўзларига тегишли тарқатмали материал билан танишадилар. Гуруҳларда ўзаро муҳокама орқали тарқатмали материалдаги мазмунни таркибий қисмларга ажратадилар.

4-қадам. Гуруҳ ўз ишларини флипчарт қоғозига таянч маълумотлар(ўзига тегишли материал мазмуни юзасидан)тариқасида тақдирот қиладилар. Натижада бошқа гуруҳ аъзолари ҳам мавзу юзасидан кенгроқ маълумотларни эгаллашига шароит яратилади.

5-қадам. Ҳар бир гуруҳ ўз тақдиротини қилиб бўлгач, ўқитувчи топшириқ беради. Топшириқ: Ушбу келтирилган маълумотларнинг ҳозирги кун ривожланиши билан боғлиқ ислохотларга тегишли жиҳатлари борми? Боғлиқлик ва ўхшашликларни нималарда кўрасиз? Ёки фарқлар нимада?

6-қадам. Гуруҳлар тегишли саволларга жавобни ўзаро муҳокама орқали топадилар.

7-қадам. Ўқитувчи фаол қатнашган гуруҳни рағбатлантиради ва жараёни давом эттиради.

8-қадам. Ўқитувчи мавзу юзасидан талабаларнинг фикрлари умумлаштирилиб, якуний хулосаларни келтириб ўтади.

6-мавзу- С.Ражабовнинг шахс ва унинг дунёқарабини шакллантириш юзасидан педагогик қарашлари, **7-мавзу-**Сиддиқ Ражабов педагогик таълимотининг замонавий педагогика фанидаги ўрни ва уни амалиётга татбиқ этишнинг педагогик хусусиятлари юзасидан ўқув материали ҳам ўқув-мунозара, кичик маъруза ва якка ва гуруҳда ишлаган ҳолда умумий хулосалар чиқаришга ундовчи фаол усуллар асосида ўтилса, талабалар С.Ражабовнинг педагогик қарашларидаги шахс ва унинг дунёқарабини шакллантиришга йўналтирилган ғояларини амалий-таҳлилий эгаллайдилар ва олган маълумотларини ҳозирги кунда ёшлар тарбиясига қўйилаётган талаблар билан қиёслайдилар. Сиддиқ Ражабов педагогик таълимотининг замонавий педагогика фанидаги ўрни ва уни амалиётга татбиқ этишнинг педагогик хусусиятлари

Сиддиқ Ражабов таълимотини талабаларга ўргатиш юзасидан тарқатма материаллар бўйича иловалар.

1-илова

Сиддиқ Ражабов болалик ва талабалик йиллари.

С.Ражабов 1910 йилнинг 1 апрелида Қозоғистоннинг Авлиёота (ҳозирги Жамбул) шаҳрида камбағал қосиб оиласида туғилди. Унинг отаси Ражаб ака ямоқчилик билан кун кўрар, лекин шундай бўлса ҳам, оиланинг бош фарзанди Сиддиқнинг ўқиб илм олишини орзу қилар эди. Инқилобдан кейин Ражаб ака ўғлини янги мактабга берди, лекин кўп ўтмай ўзи вафот этди. Ўша даврда оила тебратиш, отадан жуда ёш қолган сингилларига оталик қилиш ёш Сиддиқнинг зиммасига юкланган эди. С.Ражабов ўсмирлик чоғларида таълим олишга бўлган иштиёқи, отасининг васияти ва ўзидаги илм унга ҳаёт йўлида энг содиқ ва тўғри йўлдош бўлди.

1926 йилда ўн олти ёшли С.Ражабов Ёшлар ташкилотига аъзо бўлиб қиради. Шу кундан бошлаб, у янада ғайрат ва шижоат билан ўқишга, меҳнат қилишга киришади. С.Ражабов ўз ҳаётининг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланишга, қўл урган ҳар бир ишига масъулият билан ёндашишга ўрганади. Ижтимоий ташкилотнинг оммавий тадбирларида ўзининг фаол иштироки ва ғоялари билан кўзга кўринган С.Ражабов илм олишда ва мустақил мутоалада давом этади.

1926 йилда С.Ражабов Алишер Навоий номидаги тўлиқсиз ўрта мактабни битади (ҳозирда Жамбулда жойлашган ушбу мактаб С.Ражабов номи билан юритилади).

1927 йилда Ёшлар ташкилотининг тавсияси билан Фарғона педагогика билим

юртига ўқишга юборилади. Педагогика билим юртини муваффақиятли тугатган С.Ражабов ёшлар ташкилоти йўлланмаси билан Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманига саводсизликни тугатиш ва ғалла йиғиш ишларида ёрдам бериш учун ишга юборилади. У Қашқадарёнинг Ғузор туманида меҳнат қилиб улар ишончига яна бир бор сазовор бўлади. Қундузи ғалла йиғишда қатнашса, кечқурун деҳқонларни саводхон қилиш учун ишлади. Ўша пайтда Қашқадарёга борган Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Йўлдош Охунбобоев Сиддиқ акани ҳузурига чақириб:

“Хўш, ишлар қалай? Ўзбек қишлоқларида қоқоқликни тугатиш учун қанча ишлар қилишлғимизни ўқиб олдингми? Халқимизни саводхон қилиш ҳозирги куннинг энг асосий масаласи. Менинг маслаҳатим: Қашқадарёда ўқитувчи бўлиб қол”, - деди [103]. Бу гап ёш педагог учун жуда ҳам маъқул тушди ва институтга киргунга қадар Қашқадарёнинг Ғузор туманига қарашли Бишкек қишлоғида ўқитувчи бўлиб қолади. У ўқитувчи бўлиш билан бирга мактаб мудирининг лавозимини ҳам олиб боради. У шу тумандаги Афғонбўғ қишлоғида бошланғич мактаб очади, шу мактабда ҳам муаллимлик, ҳам мудирлик вазифасини бажаради. Ўша даврларда мактаб ёшидаги болаларни, айниқса қиз болаларни мактабга тортиш катта машаққатни талаб этарди. Бунинг учун аҳоли ўртасида саводсизликни ёппасига тугатиш бўйича сиёсий оммавий ишларни олиб бориш талаб этилар эди. Ёш муаллим С.Ражабов Афғонбўғ аҳолиси ўртасида ана шундай ишларни олиб борди.

“Ҳар бир хонадонга бир неча марталаб кирар эдик, оилаларга, ота-оналарга мактабимизнинг мақсади ва вазифаларини тушунтирар эдик”, – деб эсларди С.Ражабов [65; 6]. Ҳа, Сиддиқ Ражабов ўша даврларда Республикамизда янги ҳаёт, билим ва маданият учун кураш майдонининг олдинги сафларида бўлган. У мактаб очиш, халқнинг илмга ташналигини қондириш, шу соҳада катта ташкилотчилик ишларини олиб бориш билан бир қаторда, пахта йиғим – терими, ғалла ўрими ишларини ташкил этишда ҳам фаол иштирок этди, ғаллакор ёшлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишлар олиб борди. У Қашқадарё вилоятида ғалла тайёрлаш ва давлат оғборларига топшириш ишларида фаол ҳаракат қилиб юрган даврларда Республикамизнинг биринчи Президенти, Халқ оқсоқоли – Йўлдош Охунбобоев билан танишган, унинг ўғитларидан баҳраманд бўлган. С.Ражабов ана шу каби учрашувлар, Йўлдош Охунбобоевнинг ташкилотчилик қобилияти, халқ билан ишлаш маҳорати, одамийлиги ва камтарлиги ҳақида тўлқинланиб ҳикоя қилар эди. Шундай қилиб, С.Ражабов талабалик йилларида ҳам республикамизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳам иштирок этди. Ана шу даврда бўлажак олим Фарғона шаҳридаги “Ўзбекистон беш йиллиги” ишчи факультетида, айни пайтда, Ҳамза номидаги педагогика билим юртида директорлик вазифасини бажарди. Айрим шахслар билим юртида олиб борилаётган таълим ва тарбия ишларига ҳалақит беришга, ёш мутахассислар тайёрлашга тўсқинлик қилишга уринар эдилар. Айниқса, маҳаллий миллат қизларини билим юртига тортиш жуда қийинчилик билан амалга оширилар эди. У тарихий шароитнинг талаби билан ер, сув ислохотларини амалга ошириш ва хотин-қизларни озод қилиш ишларида фаол қатнашган. С.Ражабов билим юртининг директори сифатида бу соҳада ҳам сезгирлик билан ҳаракат қилган.

30-йилларнинг фаол ёшларидан бири, Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи, марҳум Аъзам Бобожонов ўша даврларни эслаб шундай деган эди: “Ниҳоятда оғир йиллар эди. Мен С.Ражабов директорлик қилган Ҳамза номидаги педагогика билим юртида ёшлар ташкилотининг котиби эдим. Руҳонийлар таъсирига берилган айрим шахслар билим юртида олиб бориладиган таълим-тарбия ишларида ҳалақит беришга, ёш мутахассислар тайёрлашга тўсқинлик қилишга уринар эдилар. С.Ражабов билим юртининг директори сифатида бу соҳада ҳам сезгирлик билан ҳаракат қилар эди. Биз ёшлар унга яқиндан ёрдам берар эдик...” [65;8]. С.Ражабов педагоглар жамоаси, талабалар эътибори ҳамда ўз фаолиятини билим юрти олдида турган энг муҳим масалаларидан бири деб ҳисоблади. У

мактабларда ҳамма ўқув фанларидан дарс бера олди, педагогиканинг илмий асосларини, таълим мазмуни, таъмоийллари ва методларини пухта эгаллаб олган ҳолда ёш мутахассисларни тайёрлаш ишида фаол қатнашди.

Билим юртида тарбиявий ишлар ҳам кенг йўлга қўйилган бўлиб, жисмоний маданият ва спорт, бадий хаваскорлик ишлари ривожлантирилган. Билим юрти ўқувчилари ҳам аҳоли ўртасида оммавий-сиёсий ишларни олиб борар, кишиларни маданият, илм ва маърифат учун курашишга илҳомлантирар эди. Шунингдек, билим юрти ўқувчилари педагоглар жамоаси раҳбарлигида деҳқончилик ишларига амалий ёрдам кўрсатар, пилла тайёрлашда иштирок этар, чигит экиш, уни парвариш қилиш, пахтани йиғиб-териш олишга фаол қатнашар эдилар. Устоз Фарғона педагогика билим юртидаги раҳбарлиги ҳақида гапирар экан, билим юрти талабаларининг ижтимоий фойдали меҳнатини ташкил этишдаги тажрибалари, талабаларнинг қишлоқ меҳнатқашларига берган ёрдамлари, уларнинг ташаббускорлиги ҳақида завқланиб ҳикоя қилар эди.

С.Ражабов Ҳамза номидаги педагогика билим юртида ва “Ўзбекистон 5 йиллиги” номидаги ишчи факультетида раҳбарлик қилган вақтида ёш педагог мутахассислар, мустақкам педагоглар жамоасини яратиш бўйича яхшигина тажриба орттирган эди. Ана шу даврларда у Я.А.Коменский, К.Д.Ушинский, Л.Н.Толстой, А.С.Макаренко, Ҳ.Ҳ.Ниёзий, А.Авлоний каби атоқли педагогларнинг асарларини қунт ва сабот билан ўрганди. Эгаллаган билимлари ва тўплаган тажрибалари асосида маҳаллий матбуотда С.Ражабовнинг дастлабки педагогик мақолалари чоп этила бошлади. Мақолаларда мактаблар истиқболи, тарбия масалалари, ёш педагогик мутахассислар тайёрлаш ҳақида фикр юритилар эди.

Ҳақиқатан ҳам шундай курашиш билан оғир йилларда бундай олийжаноб ишларни амалга оширишни ўзи бўлмади. Бу ишни бажариш кишидан идрок, матонат ва инсонлар қўнглини топа билишни талаб қилар эди. Ана шундай ишчанлик руҳи билан у район ёшлар бюро ва пленуми аъзоси сифатида ҳам фаолият кўрсатган. Жамоат ишларидаги фаолияти, ўқитувчилик касбига бўлган садоқатини назарда тутиб, ҳукуматимиз С.Ражабовни Фарғона шаҳрида янгидан очилган педагогика институтига ўқишга йўллади.

1930 йилда С.Ражабов Фарғона педагогика институтига имтиҳонларни муваффақият билан топширди. У институтда ўқиб юрган чоғларидаёқ ўзининг билимга чанқоқлиги ва ташкилотчилиги билан ўртоқлари орасида ажралиб турар эди. Шунинг учун у институт ёшлари ташкилотининг котиби этиб сайланди. У шу пайтда пахта ва ғалла йиғим теримида фаол иштирок этиб, талабаларга ўрнатқ бўлди. Ҳатто уни умумий мажбурий таълимнинг амалга оширилишини текширувчи бригада ўз таркибига олди. Талаба бўлиб юрган вақтидаёқ халқ маорифидаги камчиликларни ўз кўзи билан кўриб, уни бартараф этишда ўз ҳиссасини қўшди.

1933 йилда мазкур институтнинг ижтимоий-адабиёт факультетини имтиёзли таъмолади. Институт илмий кенгаши С.Ражабовдаги илмга ташналик, ўз устида қунт билан ишлаш қобилиятини ҳисобга олиб, институт педагогика кафедрасига ассистенти вазифасига тавсия этди.

Ана шу даврда бўлажак олим Фарғона шаҳридаги “Ўзбекистон 5 йиллиги” ишчи факультетида директорлик лавозимида ишлаб, ёш мутахасислар тайёрлаш ишига катта ҳисса қўшди. Шу вақтнинг ўзида Ҳамза номидаги педагогика билим юртида ҳам директорлик вазифасини бажарди.

1934 йилда илмга бўлган иштиёқ ёш С.Ражабовни Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти ҳузуридаги аспирантурага етаклади.

У 1934-1937 йилларда аспирантурада таҳсил олди ва педагогика фанининг энг муҳим муаммолари устида илмий-тадқиқот ишларини олиб борди. Уни республикаимз халқ маорифининг таракқиёти ва бу таракқиётнинг объектив қонунлари, халқ маорифининг ривожланиш истиқболлари, ёшларнинг тарбияси билан боғлиқ бўлган

масалалар кизиқтирар эди.

Олим тўғрисида шуни ҳам айтиш мумкинки, у аспирантурада ўқиб юрган вақтларида, аспирантурада ёшлар ташкилотининг котиби бўлиб ишлаб, унга топширилган ҳар қандай топшириқлар кўнгилдагидек бажарилар эди.

2-илова

Сиддиқ Ражабовнинг ижтимоий-педагогик фаолияти

Илмий изланишлар ҳамма даврларда ҳам кишидан тиришқоқлик, дадиллик ва иродалилиқни, сабот билан меҳнат қилишни талаб этган. Ана шу сифатларни ўзида мужжассамлаштирган кишигина фаннинг нурафшон чўққисига чиқа олиши, ундан баҳра олиши ва бошқаларни ҳам баҳраманд қилиши мумкин. Профессор С. Ражабов фаннинг машаққатли йўлидан дадил қадам ташлаган олимларимиздан бири. Унинг илмий-педагогик ижоди ниҳоятда салобатли ва кўпқирралидир. Олимнинг илмий ижодида педагогика фанининг энг муҳим муаммоларини давр талаблари нуқтаи-назаридан тадқиқ қилинганлигини, педагогика тарихига оид жуда кўп масалаларнинг назарий жиҳатдан халқчиллик асосида ҳал қилинганлигини кўрамиз.

С.Ражабов илмий-педагогик фаолиятини ниҳоятда эрта бошлади. У 1935 йилданок таълим-тарбия масалаларини ўрганишга, Республикамизда халқ маорифи ривожининг объектив қонунларини илмий-тадқиқ қилишга киришган эди. Шунингдек, олим дастлабки илмий ижодидаёқ халқ маорифидаги долзарб муаммоларни ҳал этишга ҳаракат қилди. Шу билан бир қаторда мактабда тарбия ишларини яхшилаш учун ўқувчилар орасидан ёшлар ташкилоти раҳбарлари бўлиши лозимлигини таъкидлади.

Ўзининг тиришқоқлиги, ўз фанига жон дилидан қизиққанлиги туфайли 1941 йилда “XIX аср ва XX аср бошларида Бухорода мактаб ва маориф тараққиёти” [72] мавзуси бўйича Ўзбекистонда маҳаллий миллат орасида биринчи бўлиб, номзодлик диссертациясини муваффақият билан ҳимоя қилди.

С.Ражабов ўз фанининг ҳақиқий устози. Энди у ўқитувчигина эмас, бошқаларга маслаҳат берувчи, бошқаларнинг ишига қисман бўлса ҳам ёрдам бериб, уларга раҳбарлик қилувчи устоз ва илмий маслаҳатчига айланди.

Тошкентлик олимлар: Н.Н.Архангельский, Н.М.Краснобоевлар республикамизда илмий тадқиқот ишларини олиб боришда олим билан ҳамкорликда ишладилар. Бизга маълумки, II-Жаҳон уруши даврида халқ хўжалиги издан чиққани каби, халқ маорифи ҳам издан чиққан эди. Бунинг асосий сабаби, илғор ўқитувчилар армиясининг кўпчилиги урушнинг бошларида ихтиёрий Ватан мудофаасига кетган эдилар. Қолган ўқитувчилар ҳам таълим-тарбия беришда етарли кучга эмас эдилар. Шунинг учун янги-янги ўқитувчи кадрлар керак эди. Кадрлар масаласи, албатта, педагогика институти жамоасининг ҳам зиммасига масъулиятли вазифа юклайди. Бундан ташқари, урушдан сўнгги беш йилликларда маорифни ривожлантириш учун ҳукумат қўйган вазифаларни бажаришда С.Ражабовнинг роли борлиги унинг сафдошлари, издошлари ва шогирдларининг илмий-педагогик эътирофларида кўзга ташланади.

1955 йил С.Ражабовнинг илмий фаолиятида унутилмас воқеа содир бўлди. У Москвалик олим Н.А.Константинов раҳбарлигида “Ўзбекистонда совет мактаби тарихи” (1917-1947) мавзусида ёзилган докторлик диссертациясини собиқ РСФСР Педагогика Фанлари Академияси, педагогика назарияси ва тарихи институти илмий кенгашида муваффақиятли ҳимоя қилди. С.Ражабов ўзининг докторлик ишида ўзбек халқининг маданияти тарихи ва мактабларнинг ривожланишидаги ўрни ҳамда таъсирини асослаб берган. Ўзбекистонлик олимнинг бир неча йиллар давомидаги изланишлари, чидам ва сабот билан олиб борган илмий-тадқиқоти ўзининг самарасини кўрсатди. Илмий иш москвалик олимлар томонидан юксак баҳоланди. Олимнинг илмий маслаҳатчиси Педагогика Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзоси, педагогика фанлари доктори,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Н.А.Константинов унинг диссертациясига ёзган тақризида илмий кенгаш аъзоларининг фикрини ифодалаб, шундай деган эди: “Доцент С.Ражабовнинг мазкур иши Ўзбекистонда мактабнинг ташкил топиши ва тараққий этишини ўрганиш йўлидаги биринчи бор ташланган дадил қадамлардан эди. Ҳозирги кунга қадар халқ маорифи тарихи миллий республикаларда педагогика тарихини ўрганиш нуктаи-назаридан қараганда етарли ишланган эмас. Мазкур диссертация Ўзбекистонда халқ маорифи соҳасида ўзбек халқи томонидан амалга оширилган ишларни умумлаштирган катта монографик ишдир” [103]. Ҳақиқатан ҳам олимнинг мазкур илмий тадқиқоти республикамиз халқ маорифи тараққиётини, мактабларимиз тарихининг ҳар томонлама ўрганиш йўлидаги, мамлакатимизда маданият тантанасининг объектив натижаларини ёритишдаги илк изланиш ҳисобланади.

1959 йилда С.Ражабов ўзининг муҳим ва сермахсул фаолияти натижасида Педагогика Фанлари Академиясининг мухбир аъзоси этиб тайинланди. Бу республикамизда педагогика фанининг тараққий этиб бораётганлигида олимнинг улкан хиссаси ва меҳнатларини ўша давр педагогик жамоатчилиги томонидан тан олинганлигига ҳамда илмий марказ томонидан берилган юксак баҳо эди. Шу боис С.Ражабов нафақат Ўзбекистонда, балки Ўрта Осиё республикалари ҳамда Қозоғистонда ўз фани юзасидан кўзга кўринган, педагогик кадрлар тайёрлаш бўйича маслаҳатгўй, етук олим сифатида тан олинганлиги сир эмас эди.

1961 йили С.Ражабов яна бир масъулиятли ишга – Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий текшириш институтига директор этиб тайинланди. Мазкур илмий марказга раҳбар этиб тайинланиш олимга нисбатан бўлган катта ишонч эди. Олим ана шу институтда етти йил давомида баракали ва самарали меҳнат қилди. Институтни юқори малакали мутахассис, илмий кадрлар билан таъминлаш, олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларининг мавзусини ҳаётга, мактаб амалиётига яқинлаштириш, педагогик тадқиқотларни республика бўйича мувофиқлаштириш ишларига бошчилик қилди ҳамда олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари натижалари мактабларимиз иш фаолияти – амалиётига татбиқ этиш бўйича ҳам бир қанча ишларни амалга оширди. Институтда янги секторлар тузилди. Секторлар ҳузурида лабораториялар ташкил этилди. Сектор ва лабораторияларга илмий-тадқиқот ишлари юзасидан тажрибали ва етарли малакага эга бўлган ходимлар раҳбарлик қила бошладилар.

1960 йилда С.Ражабов қабул қилинган “Республикамизда педагогика фанини ривожлантириш тадбирлари ҳақида” ҳукумат қарорини турмушга татбиқ этишда фаоллик кўрсатди. Ана шу даврда педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг фаолияти мазкур қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда, республика мактабларида ўқув-тарбиявий ишлар ва таълим услубларини янада такомиллаштириш масалаларига қаратилган эди. Институт ходимлари Академик С.Ражабов бошчилигида республикамиз ўқитувчиларининг илғор тажрибаларини ўрганиш, умумлаштириш ва оммалаштириш ишларини тубдан яхшиладилар. Энг муҳими, институтда илмий-тадқиқотларнинг 1960-1975 йилларга мўлжалланган истиқболли режалари тузилди. Институтда нашр ишлари ҳам яхшиланиб, кўплаб қўлланмалар, педагогик тавсиялар яратилди. Шунингдек, таълим-тарбиянинг долзарб муаммоларига бағишланган кўплаб илмий-амалий ва назарий анжуманлар, республика ўқитувчиларининг “Педагогик ўқиш”лари ўтказилди. “Мактаб ҳақида ғамхўрлик – умумхалқ иши”, (“Правда Востока”, 1962 йил 27 декабрь) “Ўзбекистонда халқ маорифи” (Тошкент: Билим, 1964 йил 15 бет), “Атоқли маориф арбоби” (“Ўқитувчилар газетаси”, 1964 йил 27 февраль), “Ўзбекистонда халқ маорифи ва педагогика фанининг ривожи” (1964 йил 14 июнь), “Педагогика фанининг равнақи учун” (1964 йил 28 август) каби ишлари, шунингдек, 1962 йил нашр қилинган “Педагогика” дарслигининг тўрт боби, 1966 йилда нашр қилинган “Педагогика” дарслигининг беш боби, 1981 йил нашр қилинган “Педагогика” дарслигининг беш боби олим қаламига

мансубдир. Олим ташаббуси билан педагогика фанлари бўйича очилган аспирантура илмий ходимлар тайёрлашда жуда катта аҳамият касб этган. Аспирантура юқори малакали илмий педагог ходимлар етиштира бошлади.

1962 йилда республикаимиз тарихида биринчи марта ва айнан С.Ражабов раҳбарлигида педагогика, психология ва хусусий методика ихтисослиги бўйича илмий даражалар берадиган бирлашган Кенгаш иш бошлади. Бу даврда олим педагогика фанини чин қалбдан севган мутахассисларни, кўпгина истеъдодли ёшларни ўз атрофига чорлади. Академик С.Ражабов илмий раҳбар ва маслаҳатчи сифатида ёш олимларга ҳамиша ёрдам берди. Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш унинг ҳаётий эътиқоди ва турмушининг мазмунига айланиб кетди. Шу боис М.Очилов (1962 йил), Ф.Абдуллаев (1962 йил), С.Р.Раҳимов (1964 йил), К.Х.Хошимов (1964 йил), М.Аҳмедова (1965 йил), П.Мўминжонов (1966 йил), С.Н.Нурматов (1966 йил), А.К.Тюленов (1966 йил), Д.А.Урунбаев (1966 йил), С.Х.Файзулина (1966 йил) каби илм фанда ўз йўлини топиб олган истеъдодли ёшлар олим раҳбарлигида номзодлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилдилар. Шунингдек, профессор С.Ражабов илмий маслаҳатчилигида докторлик диссертациялари тайёрлана бошланди ва бу соҳадаги дастлабки иш ҳимоя қилинди (Ж.Урунбаев 1966 йил). С.Ражабовнинг Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институтидаги фаолияти мазкур муассаса тарихи ва ривожига катта ҳисса қўшган. Олим раҳбарлигида у билан ҳамкорликда ишлаган кўплаб илмий ходимлар ўша йилларни эслар экан, С.Ражабов ва унинг раҳбарлик фаолиятини мамнуният билан тилга оладилар. Жумладан, “С.Ражабов институтимиз катта жамоасини билимдонлик билан бошқарган эди, – деб эслайди Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти сектори мудири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, педагогика фанлари доктори, профессор А.Зуннунов, – институтимиз олдида қўйилган ҳар бир масала тезкорлик билан ўз ўрнида ва талаб қилинганидек бажарилар эди. Олдимиздаги масала қанчалик қийин, мураккаб бўлмасин, у бизга далда берар, ширинсуханлиги ва ўзига, фақат ўзига ҳос бўлган муносабати билан уни сидқидилдан бажаришга жалб қилар эди”[65;19]. У устознинг қуйидаги сўзларини яна таъкидлайдики: “Фаннинг табиати, предметини билмай туриб, унинг сўқмоқларидан дадил одим ташлаш мураккаб, унга ҳамма имконияти ва борлигини бағишлаган кишигина унинг “тилсим”ини очади” кейинги ҳаётимга мезон бўлди [21;14].

1964 йилда Республика Олий Совети С.Ражабовнинг илмий педагогик фаолиятига юксак баҳо бериб, унга “Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби” унвонини берди.

1966-1990 йилларда С.Ражабов Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти умумий педагогик кафедраси катта жамоасига бошчилик қилди. У кафедра аъзоларининг ҳар бирига мураббий, устоз эди. Бугина эмас, олим ўқитувчи-мутахассислар тайёрлаш соҳасида фидокорона меҳнат қилаётган ҳамкасблари – институтнинг етук олимлари билан бир қаторда ўрта ва олий таълимга алоқадор жуда кўп муаммоларни ҳал қилишда ҳормай-толмай фаолият кўрсатди. Профессор С.Ражабовнинг Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтидаги чорак асрлик узлуксиз илмий-педагогик фаолияти алоҳида муҳим давр бўлди. У сафдошлари, касбдошлари ва ўзи мудирлик қилиб турган кафедра аъзолари, шогирдлари билан ҳамкорликда катта илмий ва ташкилий-педагогик муаммоларни ҳал қилишга алоҳида эътибор берди. Биринчи навбатда кафедранинг юқори малакали илмий-педагогик ходимлар билан таъминлаш, маъруза ва амалий машғулотлар сифати ва самарадорлигини ошириш, қолаверса, кафедра жамоасининг илмий ва услубий савиясини юқори даражаларга кўтариш каби масалалар ҳал қилиниб борилди. С.Ражабов кафедра йиғилишлари, назарий семинарлари, услубий бирлашма йиғилишлари ва суҳбатларида кадрлар масалаларига алоҳида тўхталарди. Натижада ўнлаб педагоглар республикада таниқли, етук мутахассислар бўлиб етишдилар. С.Ражабов бу даврда жуда кўплаб педагогик муаммоларнинг кафедра аъзолари ва илмий

жамоатчилик томонидан муваффақиятли ҳал қилинишига бошчилик қилди. Хусусан, таълим назарияси, хусусий методика, тарбия назарияси ва методикаси, шунингдек, мактабшуносликнинг долзарб муаммоларига алоқадор асарлар яратилди. Шунингдек, таъкидлаш лозимки, олим бу даврда ўз илмий фаолиятини бир неча йўналишларда олиб борди. Жумладан, педагогика фанининг услубий муаммолари, ахлоқ-одоб ва тарбия масалалари, олий таълим дидактикаси, педагогика тарихини ўрганиш ва унинг ривожланиш истиқболларини таҳлил этиш унинг илмий фаолиятида марказий ўрин тутди.

Академик С.Ражабов ўз ҳаёти давомида педагогика фанининг дастлабки назарий ва методик муаммоларини, педагогик фикр ҳамда Ўзбекистон халқ таълимининг ривожланиш тарихи, таълим ва тарбиянинг шакллари, усуллари ва манбаларини ўрганган. Академик С.Р.Ражабовнинг асосий тадқиқот йўналишлари қуйида келтириб ўтилади:

Амалга оширилган илмий-иждодий ишлар натижаси сифатида олимнинг 260 га яқин илмий, илмий-оммабоп мақолалари, рисоалари, қўлланмалари, дарслик ва монографиялари эълон қилинди.

Профессор С.Ражабов фақат фан номзодлари эмас, балки фан докторлари тайёрлаш ишига ҳам ўз ҳиссасини қўшган. Жумладан, ҳозирги кунда республикада таниқли педагог олимлар: М.Очилов (1983 йил), С.Х.Файзулина (1988 йил), Р.А.Мавлонова (1990 йил) ўзларининг докторлик диссертацияларини профессор С.Р.Ражабов илмий маслаҳати билан муваффақиятли ҳимоя қилганлар.

С.Ражабов илмий фаолиятининг яна бир муҳим томони шундаки, у ўз шогирдлари ва педагогика фани соҳасида ишлаётган жуда кўп ходимларнинг илмий-тадқиқот ишлари натижаларини кенг китобхонлар оммаси ва ишлаб чиқаришга жорий қилишда катта хизмат кўрсатган. Педагогикага оид жуда кўп рисоалар унинг таҳрири остида ва олим томонидан ёзилган кириш сўзи билан нашр қилинди. Жумладан, Б.П.Есипов, Н.Г.Гончаревнинг “Педагогика” [34;510], Н.Таканаевнинг “Чет эллар педагогикаси тарихидан қўлланма” [100;144], К.Х.Хошимовнинг “Ўқув куни узайтирилган мактабларда таълим-тарбия ишлари” [111;93], В.В.Третьковнинг “Ўқувчилар ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш” [102;142] каби илмий асарлари С.Ражабовнинг таҳрири остида нашр қилинган.

Олимнинг юқори малакали илмий ходимлар тайёрлашдаги фаолияти бу билан чегараланмайди. С.Ражабов педагогика назарияси ва тарихи муаммолари бўйича ҳимоя қилган 200 дан ортиқ номзодлик ва 15 дан ортиқ докторлик диссертацияларига расмий оппонент бўлган.

С.Ражабов ўзининг асосий ишини жамоат ишлари билан мустаҳкам боғлаган ҳолда олиб борди. У 1961-1988 йилларда Ўзбекистон халқ таълими вазирлигининг ҳайъат аъзоси сифатида фаолият кўрсатди. У вазирлик томонидан халқ таълими тармоғини янада кенгайтириш, мактабларда ўқув-тарбиявий ишларни давр талаблари даражасига кўтариш борасида амалга оширилаётган ҳамма тадбирларда бевосита қатнашиб келган.

1960-1976 йилларда С.Ражабов Тошкент давлат университети ҳузурида ташкил этилган ихтисослашган кенгашга бошчилик қилган. Мазкур кенгаш педагогика фанлари бўйича юқори малакали илмий ходимлар тайёрлашда катта роль ўйнаган. Кенгаш аъзолари қисқа муддат ичида 70 дан ортиқ номзодлик ва иккита докторлик диссертациясини муҳокама қилиб, уларнинг муаллифларига илмий даражалар бердилар.

Профессор С.Ражабов Низомий номи Тошкент давлат педагогика институти катта илмий кенгаши ва институт ҳузуридаги педагогика фанлари бўйича илмий даражалар берувчи ихтисослашган илмий кенгашнинг ҳамда Душанбе Давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи кенгаш аъзоси сифатида фаолият кўрсатган.

1977 йилнинг май ойида Низомий номи Тошкент давлат педагогика институти ҳузуридаги фан номзоди илмий даражасини берадиган ихтисослаштирилган кенгаш ташкил этилди. Бир оз вақт ўтгач, педагогика фанлари бўйича фан доктори илмий

даражаси берадиган яна шундай кенгаш ташкил этилди. Мазкур кенгашларга педагогика соҳасида ишлаётган мутахассис олимлар жалб этилди. Академик С.Ражабов бу кенгаш раислигини муваффақиятли кечишида катта ҳисса қўшган.

С.Ражабов республикамизда педагогика фани бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотларни мувофиқлаштиришни жамоатчилик асосида олиб борди. У Ўзбекистон Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги педагогика фанлари илмий кенгашининг аъзоси эди, шу билан бирга, педагогика фанлари илмий-методик секцияси ишини узоқ йиллар давомида бошқарди. Олим раҳбарлик қилган илмий-услубий секция республикамиз олий ўқув юртларида педагогика бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларини янада ривожлантириш, илмий-тадқиқот мавзуси ва мазмунини ҳаётга, мактабларимиз амалиётига яқинлаштириш масаласига алоҳида эътибор берган эди. Шунингдек, у Педагогика Фанлари Академияси Президиуми ва мукофотлар бериш комиссиясининг ҳам аъзоси эди.

1945 йилдан бошлаб, олим “Халқ таълими” журналининг таҳрир хайъати аъзоси эди. Таҳрир хайъатининг аъзоси ва педагогика фанлари секциясининг раиси сифатида педагогика, психология ва умуман педагогик туркумдаги фанларнинг муҳим масалаларини ёритишда ҳам муаллиф, ҳам ташкилотчи сифатида катта ҳисса қўшиб келган.

Ҳа, С.Ражабов ўзининг баракали илмий фаолияти, ўқитувчи-мутахассислар, юқори ихтисосли илмий ходимлар тайёрлашдаги жонбозлиги, умуман, ибратли жамоатчилик фаолияти билан республикамиздагина эмас, ундан ташқарида ҳам эътиромга сазовор бўлди. Олимнинг самарали меҳнати унга шуҳрат келтирди. У ана шу туфайли эли ва юртида азиз ва мукаррам бўлди, республикамизда педагогика фани дарғаси даражасига кўтирилди.

У педагогика фани бўйича ўтказилган Ўрта Осиё ва Қозоғистон Республикалараро илмий конференциясини ташкилотчиси эди. Тбилиси шаҳрида чақирилган Кавказ, Россия, Украина, Ўрта Осиё ва Қозоғистонда педагогика фани ва халқ маорифи масалаларига бағишланган илмий конференцияда фаол қатнашган олим бу конференцияда Ўрта Осиё ва Қозоғистонда педагогика фанлари бўйича илмий-тадқиқотларни мувофиқлаштириш тамойиллари ҳақида мазмунли маъруза қилган.

С.Ражабов халқ маорифи ва мактаблар тарихи, олий таълим бўйича халқаро миқёсда чақирилган конференцияларда Ўзбекистон делегацияси таркибида қатнашган.

1966 йилнинг май ойида ЮНЕСКО нинг қарорига кўра, Ўзбекистонда саводсизликни тугатиш тажрибалари тўғрисида чақирилган халқаро симпозиумда ташкилот комитетининг аъзоси сифатида фаол иштирок этди. Мазкур симпозиумда Африка, Осиё, Лотин Америкаси мамлакатларидан делегатлар иштирок этди. Бундан ташқари, олим олий таълим бўйича Москвада ўтказилган халқаро симпозиумида ҳам делегация таркибида иштирок этади. Буларнинг ҳаммаси академик С.Ражабовнинг тиниб-тинчимас, ўз севган касбининг ҳақиқий жонкуяри эканлигини кўрсатади.

С.Ражабовнинг бу ютуқлари, айниқса, кейинги йиллардаги илмий ва педагогик фаолиятида йирик илмий марказлар, қардош республикаларнинг педагогика соҳасида ишлаётган олимлари билан яқиндан ҳамкорликда ишлаш ва фаолият кўрсатиши маҳсулидир.

С.Ражабов ўзининг педагогика фанининг айрим долзарб муаммоларига бағишланган рисоаларида ана шу фикрни алоҳида таъкидлайди: “Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон халқ маорифи ва педагогика фанининг тараққиётида таниқли рус олимларининг ёрдами катта тарихий аҳамиятга эгадир, – дейди олим, – республикамизда педагогика фани соҳасида ишлаётган жуда кўплаб илмий ходимларимиз, таниқли олимлар: И.А.Каиров, Н.К.Гончарев, К.И.Львов, К.Е.Бендриков, А.М.Арсеньев, Н.И.Болдирев, М.Ф.Шабаева, А.И.Пискунов ва бошқаларнинг ўғит ва масалаҳатларидан

бахраманд бўлганлар, юқоридаги ва қардош республикаларнинг олимлари Д.А.Лордкипонидзе, К.Бежанов, Т.Б.Бердиев, Н.И.Болдиев, А.А.Қурбонов, М.Г.Габдуллин, А.Сенбаев ва бошқалар билан яқин ва ижодий ҳамкорлик педагогика фанининг қардошларимиз учун ҳам муштарак бўлган баъзи илмий муаммоларни ҳал этишда алоҳида аҳамиятга эга бўлди”[65;21].

Олим ва унинг ишчи гуруҳи ходимларининг педагогик муаммоларни пухта таҳлил эта олиш, ҳозирги замон педагогикаси тараққиётининг муҳим манбаларини чуқур хис этиш, фан истикболларининг ривожланиш йўллари кўз олдига келтира олиш истёждоди бошқа республикаларда ҳам тилга олинмишга тўртки бўлди. Олимнинг ҳамкасблари, ҳаётининг маълум даврларида ҳамкорликда ишлаган дўст ва биродарларининг қуйидаги фикрлари С.Ражабов илмий педагогик ва жамоатчилик фаолиятига берилган адолатли баҳоedir.

Тожикистон Республикаси Фанлар Академиясининг академиги, юридик фанлари доктори, профессор, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, Абу Али ибн Сино номидаги Давлат мукофотининг лауреати С.А.Ражабов: “Ҳурматли Сиддиқ ака, тожик жамоатчилиги сиздан ҳамиша миннатдор. Сиз, азиз дўстим, Шарқ республикаларига унутилмас хизмат ва ёрдам кўрсатяпсиз. Сиз ўз замонасининг етук олими сифатида эъзозланишга сазоворсиз” [65;22].

Профессор С.Нурматовнинг “Олим, устоз, мураббий” номли рисоласида Педагогика Фанлар Академиясининг академиги, педагогика фанлари доктори, профессор А.Э.Измайловнинг С.Ражабов фаолияти хусусида қуйидаги фикрлари ўрин олган:“... Қирғизистон ўқитувчилари ва илмий педагогик жамоатчилиги сизни бутун ҳаётини педагогика фани тараққиёти, Ўзбекистонда мактаблар тарихини ёритадиган фундаментал асарлар яратишга бағишлаган олим, педагогика фанининг таниқли намоёниси деб билади. Сиз Ўрта Осиё республикалари учун илмий-педагогик кадрлар тайёрлашда ҳам ғайрат кўрсатяпсиз” [65;22].

Юқоридаги рисолада Педагогика Фанлари Академиясининг академиги, педагогика фанлари доктори, профессор С.Батишев устоз ҳақида шундай дейди: “Педагогика фанининг йирик олими сифатида, сиз ўз республикангизда катта фаолият кўрсатяпсиз. Эълон қилинаётган илмий-педагогик асарларингиз билан ёш авлоднинг тарбияси масалаларини чуқур талқин қилишга, педагогика фанини фан сифатида ривожлантиришга катта ҳисса қўшяпсиз. Илмий мутахассис кадрлар тайёрлаш бўйича олиб борилаётган ишларингиз билан илмий педагогик жамоатчилик орасида чуқур ҳурматга сазовор бўлдингиз”[65;22].

Инсон шахсининг шаклланиши унинг болалигиданоқ бошланади. Шунинг учун мактаб, табиийки, бу ишда катта роль ўйнаши лозим. Мактаб бола тарбиясида жамият ва халқимизнинг талабларини амалга оширишда муҳим кўмакчи ҳисобланади. Мактаблар олдида шундай муҳим вазифа турибдики, бунда С.Ражабов таъбири билан айтганда, албатта педагоглар ёрдамига суянилади. Унинг фикрича, “80-йилларда республикамизда педагогика соҳасида илмий-тадқиқот ишларини олиб бораётган олимларимиз ўқув предметларини ўрганиш жараёнида тарбиянинг умумий педагогика, умумий психология ва педагогик психология, ўқитишнинг мазмуни ва услублари масалалари билан жиддий шуғулланганлар” [81;117]. Шу билан бир қаторда, шахс камолоти, унинг илмий дунёқарашини шакллантириш масалаларига бағишланган тадқиқотлар комплекс тарзда ҳал қилинса, педагоглар билан психологларнинг ҳамкорлиги асосида ёшларда илмий дунёқарашини шакллантириш давр талаби билан ҳамнафас тарзда олиб борилса, таълим-тарбия жараёни самарали кечиши ҳақида С.Ражабов кўрсатиб ўтган. Тарбиявий ишларнинг самарадор шакл ва услубларини тадқиқ қилиш, ёшларнинг қалбига йўл топиш тарбия соҳасида ишлаётган педагог олимларнинг диққат марказида бўлиши, тарбиявий ишларда мамлакатимиздаги ўзгаришлар, фан-техника тараққиёти туфайли рўй берган ўзгаришлар С.Ражабов фаолиятида асосий масалалардан бири бўлиб, шогирдларига ҳам

бу масалаларга алоҳида эътибор қаратишларини уқтирар эди. Юқоридаги жиҳатларни инобатга олган ҳолда, таълим-тарбия мақсадларини белгилаш зарур эканлиги ҳақида маслаҳат берар эди. С.Ражабов ёшларда меҳнатга муносабатни шакллантириш, онгли интизом, ватанпарварлик, Ватанга, халқига, унинг улуғвор ижодкорлик ишига, ўз мамлакатининг ажойиб ўтмишига нисбатан чексиз ифтихор руҳида тарбиялаш, уларда Ватан мудофаасига тайёр туриш туйғуларини тарбиялашдек долзарб вазифаларга ўзининг улкан ҳиссасини қўшган.

С.Ражабов педагогик муаммоларни ёритар экан, эстетик ҳиссиётни шакллантириш, бадиий таълим мазмуни, санъатни ўрганиш ва фан асосларини эгаллаш санъатини ўрганиш жараёнидаги таълим-тарбия қонуниятлари, санъатни эгаллашда унинг эстетик моҳиятига зид бўлмаган эстетик завқ уйғотувчи кучини пасайтирмайдиган энг самарадор асослари қандай бўлиши керак деган саволни қўяди. Муаллиф “Катта эътиборни талаб этадиган энг муҳим муаммолардан яна бири ўйиндир, бу муаммо фундаментал тадқиқотни талаб этади”, – деб ҳисоблайди [82; 284-286]. Ўйиннинг ўзига хос томонлари, унинг инсон фаолиятининг бошқа томонларидан фарқи ҳали аниқ ўрганилмагандир. Ўйин кўп жиҳатдан мактабгача тарбия ёшидаги болалар ҳаёти учун ҳам бошқа шаклларда ниҳоятда зарур эканлиги олим томонидан кўрсатиб ўтилган.

1980 йиллар олимнинг ижоди ва жамоатчилик фаолияти камолга етган давр ҳисобланади. Республикада иттифоқ миқёсида С.Ражабов нафақат ўзи, балки бутун кафедра аъзолари фаолиятини педагогика фани муаммолари устида ҳамкорликда ишлаш жараёнига қаратган. Олим масъулиятли раҳбар сифатида кафедра ходимларининг илмий салоҳиятига ҳамма вақт эътиборда бўлган. Уларга оталарча ғамхўрлик билан раҳнамолик қилганлар. У баъзи шогирдлари камчиликларидан куюниб, баъзан эса ютуқ ва муваффақиятлардан ғурурланиб гапирар эди. Олимнинг жамоа аъзоларига ишчанлик кайфиятини улашишдек муҳим жиҳатлари шогирдлари томонидан жуда қадрланган. Буларни устознинг шогирдлари билан суҳбатлашганимизда гувоҳи бўлдик.

3-илова

Ўзбекистон олий мактаб дидактикасининг шаклланишида Сиддиқ Ражабов фаолиятининг ижтимоий аҳамияти

Педагогика фанининг тарихий тараққиёт босқичида ўзига хос ўрин тутган С.Ражабов “Педагогика фани тараққиётининг баъзи масалалари” рисоласида узлуксиз таълим тизимини қуйидагича ифодалайди: “Классик педагогикада таълим назарияси пирамида шаклида ифодаланган бўлиб, пирамиданинг асосида мактабгача тарбия ва таълим туради ҳамда унинг ҳажмини бошланғич ва ўрта мактаб ташкил этади. Олий мактаб эса пирамиданинг чўққиси ҳисобланади” [81;137].

С.Ражабов ўша даврда назарий жиҳатдан мавжуд бўлган, лекин амалда илмий асосга эга бўлмаган олий мактаб дидактикасига алоҳида эътибор берган ва изланишлар олиб борган. Чунки таълим назариясида ҳали (1970 йилларда) олий мактабдаги таълим жараёни ва унинг мазмуни алоҳида тадқиқ қилинмаган, ўрганилмаган эди.

С.Ражабов олий мактаб ўқитувчилари олиб бораётган таълим шакллари, улар қўллаётган воситалар, методларга, таълим назариясига амалий аҳамияти бўлмаган шартли тушунча деб қаралишини ушбу ҳолатнинг сабаби деб ҳисоблайди ва ушбу қарашлар узоқ вақт давомида олий таълим бўйича назарий-методик адабиётларнинг мавжуд эмаслиги оқибатида юзага келганини, бу эса олий мактабга бўлган ишончсизликларнинг манбаи эканлигини жиддий асослайди.

Амалда олий таълим ўқитувчилари, асосан, таълимнинг қуйидаги тўрт шартига амал қилиб келгани аниқланди:

1.Ўз фанини пухта билиш.

- 2.Ўз фанини севиш ва талабаларда ҳам шу фанга муҳаббат уйғотиш.
- 3.Эксперимент ва амалий ишларни ўтказиш.
- 4.Чуқур илмий билимга эга бўлиш.

Юқоридаги санаб ўтилган шартлардан иккинчи ва учинчиси олий таълим ўқитувчисини оддий мактаб ўқитувчисидан фарқлайдиган жиҳатлардир.

Ўша даврда олий таълим методикасида ҳар бир ўқитувчи ўз фаолиятини ўзича ўтиши керак, акс ҳолда, турлича кўрсатмалар шаклидаги тавсияномалардан иборат бўлиб қолади, деган фикр ҳукм сурган. Бу фикр тарафдорлари олий мактабда ўрганилиши лозим бўлган ўқув фанининг назариясини инкор этиб, ўрганиш жараёни назариясини ёқлаганлар. Унинг методи билан иш тутишни тавсия қилганлар. Бу жараён бугунги кундаги ўқувчини ўқитишга эмас, балки ўқишга ўргатишнинг устуворлиги билан тавсифланади.

С.Ражабов эса бу фикрларнинг асоссиз эканлигини қайд қилиб: “Олий таълим назарияси ва методикаси, асосан, амалий тажрибада белгиланади, тажрибаларни умумлаштириш асосида аниқланади. Шу сабабли таълим назариясини яратиш билан бирга, унинг мазмунини илмий асосда аниқлаб чиқиш керак. Шундагина ўқув предметларининг жамият тараққиётидаги ролини, фанлар ўртасидаги ўзаро алоқа ва бирлигини белгилаш, ижтимоий ва илмий-техника тараққиёти асосида уларни ўқитиш методларини такомиллаштириш лозим. Таълим назарияси ва амалиётида муваффақиятга эришмоқ учун эса талабаларга билим бериш жараёнида шахсга таъсир этишнинг фаол воситаларини қўллаш, бу воситаларни педагогик жараёнга татбиқ қилиш, таълим назариясини ишлаб чиқиш ва тизимга солиш керак. Чунки таълим назариясини ишлаб чиқмай туриб, таълимни юқори даражага кўтариш, таълим мазмунини аниқлаб олиш мумкин эмас”, – деб таъкидлайди. [81;138]

Маълумки, таълим назарияси муассаса - маскан (мактаб ёки олий таълим ва ҳоказо) мақсади ва вазифалари аниқ белгилаб олинган ва таълим жараёни ёрқин тасаввур этилган ҳолда яратилади. С.Ражабов ўз даврида олий мактабларда тўпланган илғор тажрибалар ўқитиш ишини фақат анъанавий методлар билан олиб бориш натижасида амалиёт керакли натижага эриша олмаётганини (чунки кўпгина институт ва университетларда асосан, маърузалар баён қилиш методи қўлланилаётгани ва бунда ўқитувчи талабанинг ўқув материални мустақил ўзлаштиришига эътибор бермаётганини) кузатган ҳолда таълим жараёнида ўқитишнинг фаол-эффектли усулларида фойдаланиш лозим деган фикрларни илгари суради. ҳамда ўқитиш жараёнининг қуйидаги вазифаларини санаб ўтади:

1. Билимларни ўқувчилар (талабалар) онгига сингдириш.
2. Ўқувчиларда билимга қизиқиш ва ҳавас ҳиссини ривожлантириш, уларни билим олишга, малака ва кўникма ҳосил қилишга ўргатиш.
3. Ўқувчиларда мустақил ақлий меҳнат қилиш маданиятини ривожлантириш.
4. Ўқувчиларда илмий дунёқараш ва эътиқодни шакллантириш.

С.Ражабов фан-техника революцияси деб таърифланган XX асрнинг иккинчи ярмида, билим ва информация ҳажми кескин ўсиб, кенгайиб бораётган даврда, олий мактаб олдида талабаларга ана шу тараққиёт даражасида билим бериш йўллари ишлаб чиқишдек долзарб педагогик муаммони ҳал этиш устида ўз издошлари билан бирга тадқиқотлар олиб борди. С.Ражабовнинг шогирдлари В.Ф.Любенцовнинг дидактика соҳасида яратилган қўлланма ва мақолалари, дарс ҳақидаги назарий фикр ва методик кўрсатмалари, доцент Л.Д.Магазинникнинг сермахсул ва самарали ишлари шулар жумласидандир.

Тадқиқотлар натижасида олим олий мактаб ўқитувчиси фақат ўз фани қонуниятини билибгина қолмай, ўқитиш қонуниятини ҳам билиши, талабаларга етказа олиши, уларни мустақил мутолаага ўргата олиши лозим деб таъкидлаган ҳолда олий мактабнинг умумтаълим мактабидан фарқ қиладиган белгиларини келтиради. Улар:

Олий мактабнинг умумтаълим мактабидан фарқли белгилари

Фарқлаш мезонлари	Олий таълимда	Умумтаълим мактабида
Дидактик назария предмети ва объекти	Ўқув жараёнини, ўқитиш мазмунини, методларини, мутахассислар билимини ҳисобга олишни, уларни аттестациядан ўтказиш, талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш масалаларини тадқиқ қилади ва умумий дидактикага, билиш назариясига, психология ва физиологияга, шунингдек педагогик экспериментга асосланади.	Умумий дидактиканинг тамойилларига таянади, ўқитишнинг турли шакл ва воситаларидан фойдаланади, давлат томонидан белгиланган талаб доирасида ўқувчига билим беради.
Таълим мазмуни	Фан ва унинг тараққиёти ташкил этади	Фан асослари ўқитиш юзасидан ўқув материаллари
Эришиладиган натижа	Таълим назарияси ва амалиётидаги кун муаммоларини замон талаблари даражасида ҳал эта оладиган мутахассис шаклланади ва у ишлаб чиқариш ва фанни тараққий эттиришга хизмат қилади.	Мустақил ҳаётга қадам қўйган, у ёки бу касб турини эгаллашга тайёрланган, олган билимларини муайян касб турини эгаллаш учун ривожлантириш мақсадида кейинги таълим босқичини танлайдиган ўсмир.
Таълим иштирокчиларининг фаолияти	Талабалар кенг қамровли, серқирра, турли йўналишлар юзасидан маълумотларни эгаллаш, тўплаш ва амалда қўллашга йўналтирилган фаоллик ва мустақилликни талаб этадиган фаолият билан банд бўладилар.	Ўқувчи мақсадли, ўқитувчи назорати ва ташқи кўмакка муҳтож фан асосларини эгаллаш учун мажбурий фаолият билан банд бўлади.

С.Ражабов умумий дидактиканинг тамойилларига асосланган олий мактаб дидактикасини ишлаб чиқиш билан унинг хусусий, ўзига хос илмий асоси яратилишини тасаввур қила олган. Олий мактабда таълим жараёнининг қонуниятлари ва хусусиятларини ўрганиш ўқитиш тамойилларини белгилаб олиш имкониятини бериши педагогика назарияси ва амалиётидан маълум. Бу дидактик масалаларга ва ўқитиш методларига қўйилган умумий ва хусусий талаблар ҳисобланади. Таълим масканлари жамиятнинг фаол қурувчисини тарбиялаш ва уни комил инсон сифатида тарбиялашдек давлат ва миллат ривожланишида юксак ижтимоий аҳамият касб этувчи вазифаларни амалга оширади.

С.Ражабов олий ўқув юртларида, халқ таълимида меҳнат қилаётган ҳар бир ўқитувчи, илмий ходимдан талаба ёшлар таълим-тарбиясини яхшилаш, уларнинг касбий тайёргарлигини ҳозирги кун талаблари даражасига кўтариш билан бир қаторда ёшларнинг илмий-тадқиқот ишларини янада жонлаштириш, савиясини ошириб боришдек вазифаларни қамраб олган жараёнларга ўз фаолиятини қаратган ва бунда ўз

маслаҳатларини аямаган.

Академик С.Ражабов айниқса, илмий-тадқиқот ишларини ҳаётга яқинлаштириш самарадорлигини ошириш, тадқиқот ишларини мактаб, халқ таълими амалиётига кенг жорий этиш масалаларига долзарб вазифа сифатида қараган. Олим, ўзи бошчилик қилаётган кафедранинг ҳар бир йиғилишида, кафедра аъзолари билан бўлган индивидуал суҳбатларда ана шу масалаларни такрорлайди. Жамоа аъзоларини мактаб ва халқ таълимининг энг яқин вазифаларига қаратади, давлат томонидан қўйилган вазифаларни турмушга татбиқ этишга илҳомлантиради. С.Ражабов қайси шогирди билан илмий тадқиқот иши олиб бормасин, педагогика олий ўқув юртлари ва умумий ўрта таълим мактабларида таълим-тарбия ишларини янада яхшилаш, олий ва ўрта мактаб педагогикасининг муҳим жиҳатларини ҳисобга олган. Ана шу режа асосида кафедра ўқитувчилари илмий ишларининг йўналишларини белгилаган: педагогика фаниниг асосий муаммолари; ўқитишнинг услуб ва воситалари, уни илмий техника тараққиётини ҳисобга олган ҳолда янада такомиллаштириш, талабалар тарбияси тажрибаларининг ўрганиш ва оммалаштириш ҳамда ўрта мактаб педагогикаси бўйича олиб борадилар. Кафедра аъзоси, доцент Н.В.Павлованинг “Талабаларнинг ижодий ишлари педагогика фанидан билимга қизиқишларини орттиришнинг воситаси”, С.Темурованинг “Таълимнинг шакллари” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари айнан мана шу жараёнларга қаратилган.

С.Ражабов бошчилик қилган кафедрага республикамиз педагогика олий ўқув юртларининг бош кафедраси сифатида икки муҳим муаммо – олий мактаб педагогикаси ва ёшларнинг тарбияси муаммоларини ҳал этишни республика бўйича мувофиқлаштириш вазифаси юклатилган эди. С.Ражабов юқоридаги муаммолар бўйича тадқиқот ишларини олиб бораётган мутахассисларга яқиндан ёрдам берган. С.Ражабов ва унинг жамоаси яна бир ибратли фаолияти, талабалар илмий-тадқиқот ишларини жонлантириш, уларнинг педагогик муаммолари устида ишлашга бўлган қизиқишларини орттиришга катта масъулият билан қараганлар. Бу соҳадаги ишлар талабаларни илмий тадқиқот ишларига кенг жалб этиш, уларнинг ихтисосига тайёргарликларини ҳам пухта ўзлаштириб олишларига кенг имконият яратилишини кўрсатади.

Талабалар иш жараёнида педагогика соҳасида олиб бориладиган илмий-тадқиқотнинг адабиётларни ўрганиш, уларни таҳлил қилиш усулларигина эмас, балки анча мураккаб бўлган суҳбат, тажриба ишлари олиб бориш каби услублардан ҳам фойдаланганлар. Мухтасар қилиб С.Ражабовнинг таъбири билан айтганда, талабалар илмий фаолиятини ана шундай йўлга қўйиш ўзининг самараларини кўрсатмоқда.

С.Ражабов ва кафедра жамоасининг шаҳар, қишлоқ мактаблари билан мустаҳкам алоқалари мавжуд бўлган. Таълим ва тарбиянинг баъзи масалалари педагогик ҳамкорлик асосида ҳал этиш ишлари кенг йўлга қўйилган. Тошкент шаҳридаги 78-мактаб ва туман мактабларидан 14-мактаб кафедранинг таянч мактаблари ҳисобланган. Ана шу мактабларда академик С.Ражабов ва унинг жамоаси мактаб педагоглар жамоаси билан ҳамкорликда ўқиш-ўқитиш ишининг муҳим масалаларига бағишланган илмий-амалий конференциялар, кафедранинг кўчма йиғилишларини ўтказганлар, аспирантларнинг илмий ишларига алоқадор бўлган илмий педагогик тажриба ишларини ана шу мактабларда олиб борганлар.

Мактаблардаги ўқув-тарбия ишларининг савияси кўп жиҳатдан ўқитувчиларнинг педагогик ва сиёсий тайёргарликларига, ўз касбларини қанчалик севишларига, ишга жонқуяр бўлишларига, ташаббус кўрсатишларига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ўқитувчи кадрлар билан ишлаш, уларни жой-жойига қўйиш, ўстириш ва мактаб раҳбарлигини юқори ўринларга кўтариш халқ таълими органлари шуғулланадиган муҳим вазифа эканлигини С.Ражабов алоҳида таъкидлаган.

Олимнинг фикрига кўра, ўқитувчи кадрлар билан ишлаш, уларни тарбиялаш, улар учун етарли шароит яратиш олий маълумотли кадрларга эҳтиёж сезилаётган бир даврда

жуда муҳимдир. Ўша даврда, яъни 1959 йилларда, педагогика фани 8 йиллик ва 11 йиллик мактабларда амалга ошириладиган меҳнат ва касбий таълим мундарижасини чинакам илмий асосда ҳал қилиб бериш керак эди. Ўқув режалари, шунингдек, ўқув ва малакалар тизими ҳамда ҳажми, яъни ўқув дастурларини тузишда баъзан қуруқ эмпирик асосга суянилар эди. Дидактикани ўқитишнинг тушунарли бўлиши, ўқитишдаги тизимлилик, назарияни амалиёт билан боғлаб олиб бориш сингари тамойилларга кўпинча эътибор берилмас эди. Ўқув режалари ва дастурларига ҳаддан зиёд ортиқча материалларнинг киритилиши ҳам таълим сифатига салбий таъсир кўрсатар эди.

Ишчи ва қишлоқ ёшлари мактабдаги ишларнинг мазмуни, шакл ва услублари масаласи муҳим муаммолардан бири бўлиб, бу соҳада чуқур текширишни талаб қилар эди. Бу муаммолар ҳам С.Ражабов эътиборидан четда қолмаган. Мактабларнинг барчаси келгусида ҳамма соҳада ривожланиши, бирон-бир ихтисосни эгалловчи ёшлар шундай мактабларда таълим олиши, ўқитувчиларнинг ишлаб чиқариш ихтисослиги бўйича малакаларини такомиллаштириш, замон талаби даражасида, юқори савияда билим бериш, педагогика фани олдида турган муаммоларни ҳал қилишга доир таклиф ва мулоҳазалар, маслаҳатлар С.Ражабов иш фаолиятининг асосини ташкил қилган.

Таълимнинг дифференцияланиши, ўқувчиларнинг куч ва диққатларини билимларнинг муайян бир соҳасини ўрганишга қаратиш, болаларнинг ақлий тарбияси билан бир қаторда меҳнат ва касбий таълим услубларига асосий эътибор бериш, ўқувчиларнинг фикрлаш фаоллигини ўрганиш, педагогика фани ўқитишнинг самарали усуллари ишлаб чиқишга киришиш лозим эканлигини С.Ражабов муҳим вазифа сифатида кўрсатиб ўтган. С.Ражабов фаолиятида талабаларнинг мустақил ишлар ва уларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ўтказиш усуллари масалаларига ҳам эътибор берилган. Олий мактаб ушбу вазифаларни қандай амалга ошириши кераклиги, уни ҳал этишда қандай йўл ва методларни қўллаш лозимлиги каби муаммоларнинг амалий ечими С.Ражабов ва унинг шогирдлари – тадқиқотчиларни қизиқтирган.

Олимнинг таъкидлашича: “узоқ йиллар давомида олиб борган тадқиқот ишларимиз ва педагогик фаолиятимиз давомида биз олий мактаб дидактикасининг қуйидаги тамойилларига асосланамиз. Улар:

- илмийлик ва мутахассисларни тайёрлашда фан-техника ютуқларига таяниш;
- кафедра ва талабаларнинг илмий фаолиятини ижодкор ва ташаббускор мутахассисларни етиштиришга қаратиш;
- билим ва имкониятлари даражасида талабаларни илмий иш олиб борадиган, ижодкор мутахассис қилиб тайёрлаш;
- ўқитиш жараёнида талабаларнинг ижодий ташаббускорлигига таяниш;
- мутахассисларнинг ғоявий жиҳатдан шаклланишида илмий ишлардан фойдаланиш;
- назария ва амалиётни уйғун олиб бориш;
- ўқитишда системалилик ва изчилликка эришиш;
- ўқитишда кўргазмалиликка риоя қилиш;
- ўқитишда талабаларнинг ёш хусусиятларини инобатга олиш” [81;142].

Олий мактаб педагогикасига доир ўша давр тадқиқотларида методлар масаласи алоҳида эътиборга молик ҳисобланган. Чунки бу даврда таълим дастурларининг амалга оширилишида бир томонламалик, яъни фақат фанга оид билимларни эгаллашга ўргатадиган ўқитиш методларидан ташқари рационал фикрлашни ўргатувчи методлар тизимини яратиш устида тадқиқотлар олиб бориш эҳтиёжи юзага келган эди. Бу масалани ҳал этиш борасида С.Ражабов ўқув материалининг ўқувчи томонидан ўзлаштирилишида қўлланилувчи методлардан фойдаланишнинг босқичларини ажратади:

1-босқич. Ўқувчилар томонидан ўқув материални ўзлаштиришнинг ушбу дастлабки босқичида тушунтириш методидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

2-босқич. Ушбу босқичда амалий фаолиятни тақозо этадиган иш турлари, усулларини тавсия этади.

3-босқич. Семинар машғулотлари ва муҳокамалардан фойдаланиш.

4-босқич. Дарслик ва тегишли манбаалар билан мустақил ишлаш.

5-босқич. Таълим ишини бошқариш учун назорат методларидан фойдаланиш. Бунда ҳар бир босқич ўз мақсади ва вазифаларига эга ҳолда бир бирини тўлдиради ва улар бир-бирлари билан узвий боғлиқдир, яъни бирининг натижаси иккинчисининг бошланиши учун асосдир.

Ушбу жараённинг таркибий компонентлари, уларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган чоралар тизими, ўқитиш методлари ҳамда фармонларнинг диалектик характери – буларнинг ҳаммаси қулай ва самарали методологияни тақозо этади. Бу:

- ўқитиш жараёнида шахсни ҳар томонлама ривожлантиришнинг методологик асосларини такомиллаштиради;
- ўқитиш жараёнини ўрганишга яхлит ёндашишга, унинг самарадорлиги
- оширишга қаратилган чоралар тизимини асослашга имкон беради;
- ўқув жараёнининг диалектикасини очишга қўмаклашади;
- дидактик масалаларни самарали ҳал қилиш методологиясини такомиллаштиради.

Бундан ташқари, олим таълимотида олий мактабларда мутахассисларни тайёрлашда ўқитувчининг малакаси ва маҳорати, илмий ахборотлардан ўринли фойдаланиш, талабалар билими, малака ва кўникмаларини ўз вақтида тегишли тадбирлар ва методлар асосида назорат қилиш етакчи омиллардан эканлиги алоҳида ўрин тутди.

С.Ражабов олий таълим назариясига назар ташлар экан, шундай дейди: “Айрим олимлар олий мактабнинг таълим назариясига бошқача тамойилларни, масалан, вақтдан самарали фойдаланиш тамойили, алгоритм тамойили ва ҳоказоларни киритиш ҳақида фикр билдирмоқдалар. Бу умумий дидактик тамойилларга асосланиш оқибатидир. Ҳақиқатда эса олий мактабнинг таълим назариясида дидактиканинг саккиз принциpidан олтитаси ўқув жараёнини белгилайди. Булар қуйидагилар:

1. Илмийлик
2. Системалилик.
3. Назариянинг амалиёт билан боғлиқлиги.
4. Онглилик.
5. Шахс ва жамоа бирлиги.
6. Таълимда тушунарлилик” [81;143-167].

С.Ражабов олий таълимда қилган барча изланишларини битта мақсад, яъни талабаларни юқори малакали этиб тайёрлашга қаратади ва шу хусусида шундай дейди: “Талабаларни юқори малакали этиб тайёрлашнинг сифатли бўлиши уларнинг тафаккурини такомиллаштириш ва дидактик масалаларга боғлиқдир” [103]. Олимнинг бундай тўхтамга келишида Аристотель ва Платонларнинг фалсафий-маърифий қарашлари туртки бўлган бўлса ажаб эмас. Бинобарин, бу борада С.Ражабов Платоннинг ушбу фикрларини ўз дидактик иш фаолиятида дастуриламал қилиб олган эди, яъни: “Инсонни ва инсон фаолиятини билиш таълим асосини ташкил этади”. Платон ушбу тахмин замирида таълим жараёнини иккита отга ўхшатади: иродани аравани тортаётган отга ўхшатса, ҳиссиётни шатакка олинган отга ўхшатади. “Аравани онг идора этади. Онг шатакдаги отга нисбатан қамчига тез-тез мурожаат қилиб туради” – дейди Платон. Аристотелнинг фикрига кўра, таълим ва тарбиянинг асосида реал муҳит ва уни қабул қилиш ётади. У таълим-тарбия тизимини уч қисмдан – ташқи, жисмоний ва руҳий қисмдан иборат деб тушунади ва билимни икки турга – аниқ исботланган (амалий) ва эҳтимолликка (мулоҳазалиликка) ажратади ва буларнинг нутқ ҳамда тил билан бирлашишини таъкидлайди [103].

Бундан ташқари олий мактаб дидактикаси масалаларини ҳал этишга С.Ражабов Ян Амос Коменский таълимотини кенг таҳлил қилиш асосида ёндашади. Маълумки, Ян Амос Коменский “Буюк дидактика” асарида таълим тамойилларини онглилик, изчиллик ва кўрсатмалилик, машқ қилиш, билим ва малакаларни пухта эгаллашдан иборат деб ҳисоблайди.

Ян Амос Коменскийнинг, айниқса, таълимда тизимлиликка катта аҳамият берганини, ҳамма нарса бир-бирига боғлиқлигини ва бирининг асосида иккинчиси пайдо бўлишини алоҳида таъкидлаганини эътироф этган ҳолда С.Ражабов таълим моҳиятини тушуниб, тушунтириш борасида кўп серқирра, самарали меҳнат қилади.

Маълумки, таълим моҳиятинининг қонуни умумий дидактиканинг бошланиши ҳисобланади. Бу қонун ва тамойиллар таълимнинг классик назарияси асосини ташкил этади. Бу ўқитиш билан машғул бўлган ҳар бир ўқитувчига маълум. Ўқитиш жараёни бир-бири билан ўзаро алоқада бўлган ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятидан иборатдир. Таълимнинг асосини ўқувчиларга билим бериш, билимни ўзлаштириш, тизимга солиш ва уни амалиётда қўллаш ташкил этади. Таълимнинг мақсади ўқувчиларга билим бериш ва тарбия вазифаларини ҳал этиш йўли билан уларнинг мустақил ижодий тафаккурини ўстириш, уларни ҳар томонлама камолотга етказишдан иборатдир. Бу борада С.Ражабов таълим мақсадини шартли равишда педагогик учбурчак шаклида кўради, яъни боғловчи билим, тарбия ва мустақил ижодий тафаккурни тараққий эттириш.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш лозимки, С.Ражабов таълим – малака ва билимларни амалий фаолиятда қўллаш эканлиги, малака эса билимга асосланишини ҳамда уларни амалиётда қўллай олиш мутахассиснинг моҳирлигини кўрсатишини эътироф этган ҳолда мамлакатимизда олий мактаб дидактикасининг ривожланишига асос солган.

4-илова

Сиддиқ Ражабовнинг фаолиятида мактабшунослик масалалари

Мактабшунослик педагогика фанининг бир қисми сифатида ўз предмети ва вазифаларига эгадир. Мактабшуносликнинг предмети халқ таълими ташкилотлари, уларнинг вазифалари, иш фаолиятининг мазмуни, ташкилий шакллари аниқлаш ва бошқарув тизими ҳисобланади.

Маълумки, таълим тизимини бошқариш ва унга раҳбарлик қилиш муайян давлат сиёсати ва илғор ғоялар замирида амалга оширилади.

Мактаб ёшларнинг ҳаётда ўзининг ижтимоий ўрни ва мавқеини топишида билимлар эгаллашидаги қизиқиш ва мойиллигини аниқлаш масканидир.

Академик С.Ражабов мактабни ўз бошқарув механизми ва таркибига эга бўлган давлат ривожланишига ёш авлодни ватанпарвар, ахлоқий етук, ақлан теран, жисмонан бақувват маънан бой этиб тарбиялаш билан ижтимоий таъсирини берувчи ҳамда давлат сиёсатининг муҳим вазифаларидан – мажбурий таълимнинг ташкилотчиси ва маскани деб эътироф этади ва мактабнинг ўқувчилар илмий дунёқарашларини шакллантиришдаги қуйидаги вазифаларини санаб ўтади:

1. Фалсафий. Иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий қарашларнинг яхлит бир бутун системаси бўлган ижтимоий-сиёсий тузумнинг асосий етакчи тушунчалари ва ғояларини ажратиб олиш.

2. Ўқитилаётган ўқув фанлар мазмуни таълим олувчиларининг ёш хусусиятларига мос келишини таъминлаш.

3. Ғоявий-сиёсий йўналиш ва ўргатилаётган фан асосларини ягона комплексга бирлаштириш.

Бундан ташқари, академик С.Ражабов таълимотида давр мактаби қуйидаги илмий, ижтимоий жараёнлар таъсирида такомиллашишини кўрсатиб ўтиш мумкин:

- педагогика назариясининг асосий муаммолари ва педагогика фанлари

методологиясининг тадқиқ қилиниши;

- педагогик ғоялар ҳамда халқ маорифининг тарихий тараққиётининг ўрганилиши;

- ёш авлодни тарбиялаш юзасидан илғор тажрибаларнинг илмий таҳлил этилиши ва умумлаштирилиши;

- ёшларни ижтимоий ташкилотларга бирлаштириш ва умуммақсад сари йўналтириш масалаларининг ҳал қилиниши.

Мактабда ўқув-тарбия ишларини яхшилашда:

- методик ишларнинг самарали ташкил этилиши;

- ота-оналар билан ҳамкорликнинг пухта олиб борилиши;

- олиб борилган ишларнинг мунтазам таҳлили сифатида ҳисоботларнинг ўз

вақтида ва тўлақонли амалга оширилиши;

- мактаб иш режасини реал ва мақсадли тузилиши;

- таълимнинг ишлаб чиқариш билан ҳамоҳанг олиб борилиши каби омиллар ўз таъсирини бериши С.Ражабовнинг мактабшунослик масалаларига оид қарашларида таъкидланган. [81;92-112]

Мактабда методик ишлар, асосан, ўқитиш ишлари сифатини назорат қилади. Бунда тажрибали ўқитувчилар педагогик фаолиятни эндигина бошлаган ёш ходимлар билан тегишли ишларни олиб борадилар. Методик ишларнинг қуйидаги шакллари келтириш мумкин:

- тажрибали ўқитувчиларга педагогик жараёндаги илмий-текшириш характеридаги, муҳим вазифаларни ҳал қилишга қаратилган ишларни бажариш тақсимланади;

- ёш ўқитувчиларга ўз тажрибаси ва маълумотига боғлиқ ҳолда содда ишларни бажариш юклатилади;

- ўқитувчилар томонидан адабиётлар ўрганилади, таҳлил этилиб, олинган маълумотлар юзасидан кенгаш йиғилишларида ахборот берилади, яъни маъруза қилинади;

- мактабда, туманда илғор ҳисобланган педагогик тажрибалар ўрганилади ва тарғиб этилади;

- ўқитиш методикасига оид муҳим янгиликлар ва вазифаларни ҳал этиш учун очик дарслар, думалоқ столлар, ўқувлар ташкил этилади ва ҳар бири жараён ниҳоясида тегишли тартибда муҳокама этилиши кўзда тутилади;

- ўқитувчиларнинг ўзаро дарс кузатишлари улар учун ўз иш ва касбий фаолиятини назорат қилиш ва баҳолаш учун зарурий шартлардан ҳисобланиши мақсадга мувофиқдир [81;147].

Мактаб метод бирлашмаларининг ярим йиллик ва йиллик иш режалари муассасанинг умумий иш режасида мужассам бўлади ва мактаб илмий бўлим мудир томонидан назорат қилинади.

Мактаб иш фаолиятининг самарали олиб борилишида ота-оналар билан ишлашнинг тизимли амалга оширилиши катта аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Маориф министрлиги томонидан 1971 йили ота-оналар комитети тўғрисидаги “Низом” лойиҳасида ушбу ижтимоий ташкилотнинг мақсад ва вазифалари алоҳида кўрсатиб берилган.

Мактаб таълим-тарбия ишларида ёрдам беришда ота-оналар комитети қуйидаги вазифаларни амалга ошириши мақсадга мувофиқлиги ҳақида С.Ражабов ўзининг “Педагогика фани тараққиётининг баъзи масалалари” китобида қуйидагича тўхталиб ўтган:

1. Умумий мажбурий таълимни амалга оширишга кўмаклашади.

2. Қишлоқ мактаблари ҳузурида интернатлар ташкил этиш ва у ерда тарбиявий ишларни йўлга қўйишда иштирок этиш.

3.Ота-оналарнинг ўз фарзандлари билан уйда олиб борадиган таълим-тарбия ишлари устидан назорат этишга эришиш.

4.Ўқувчиларнинг меҳнатини тўғри ташкил этилишида иштирок этиш.

5.Ота-оналар ўртасида педагогик масалаларга доир суҳбат, маърузалар ўтказиш.

6.Мактабнинг ҳўжалик ва ўқув-моддий базасини мустаҳкамлашга кўмаклашиш.

7.Ўқувчилар ўртасида соғломлаштириш тадбирларини олиб бориш”[81;113-114].

Мактаб ишини самарали ташкил этишнинг муҳим белгилари бу - олиб борилган ишларнинг мунтазам таҳлили сифатида ҳисоботларнинг ўз вақтида ва тўлақонли амалга оширилиши ҳамда мактаб иш режасининг реал, мақсадли тузилишига боғлиқдир. С.Ражабов ўз даврида мактабларининг юритилиши шарт бўлган қуйидаги ҳужжатларини санаб ўтади:


- раҳбар органларнинг кўрсатмалари;
- ташкилий масалаларга оид ҳужжатлар;
- ўқув-тарбиявий масалаларига оид ҳужжатлар;
- кадрларга оид ҳужжатлар;
- умумий таълимга оид ҳужжатлар;
- жамоатчилик билан бўлган алоқаларга,мактабнинг оммавий ишларига оид ҳужжатлар;
- молия, ҳўжалик ишларига, моддий-таъминот ва таъмирлашга доир ҳужжатлар;
- мактабдан чиқувчи ҳужжатларни ҳисобга олиш, қайд қилиш дафтари ва бошқалар [81;115] .

Мактабнинг даврий ҳисоботлари унинг ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлиб, уларда қилинган ишлар таҳлили ва келажакдаги вазифалар учун асос бўлувчи фактлар мужассам бўлади.

Мактаб фаолиятининг ижтимоий-педагогик йўналиши қуйидаги таркибда муайян вазифаларни амалга оширишни кўзда тутати. Улар:

- касаба уюшмалари фаолияти;
- ота-оналар комитети ва унинг иш мазмуни ;
- синфдан ташқари ишлар ва профориентация масалалари.

Ушбу йўналишлар қуйидаги расмада акс этган.



2.2.1-расм. Мактаб таълими ва уни бошқариш тизими

Мактабда дарс жадвали ўқитувчи ва ўқувчиларнинг меҳнатини ҳамда мактаб ишини тизимли ва самарали йўлга қўйишда муҳим ҳужжат ҳисобланган. Мактабларнинг дарс жадваллари тез ўзгартирилавермаслиги, стабил бўлиши ва ўқув йилининг ҳар ярим йиллиги учун катъий тузилиши шарт эканлиги кўрсатилган. Жадвални ўқув куни ва ўқув ҳафтасининг бола ақлий меҳнати учун унумли бўлган соат ва кунларга мослаб тузишга алоҳида эътибор бериш, ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши қийинроқ бўлган оғир фанлар сешанба, чоршанба ва қисман пайшанба кунларига режалаштирилиши мақсадга мувофиқ бўлиши С.Ражабовнинг кузатишларида кенг ўрин олган ва амалиётда шунга эътибор берилган. Айнан шу вазиятлар олим таълимотида педагогика фанининг бошқа фанлар, хусусан, тиббиёт, психология, астрономия ва бошқа фанлар билан боғлиқлигини алоҳида эътироф этилганлиги билан тавсифланади. Бинобарин, боланинг мактаб таълими жараёнида фанларни ўзлаштиришдаги жисмоний имконияти, яъни организмнинг иш фаолиятининг таълимга жалб этилишига тиббий жиҳатдан ёндашишни, психологик нуқтаи-назардан қараганда эса ҳар бир берилаётган ўқув материаллари боланинг руҳий, яъни ёш имкониятларига мос ҳолда танланиши (чунки шу кунлар бошқа кунларга нисбатан серунум бўлиши тажрибалардан маълум эканлиги) ҳақида олим таъкидлайди.

С.Ражабовнинг “Педагогика фани тараққиётининг баъзи масалалари” рисоласида мактаб директорининг вазифалари қуйидагича келтирилган:

- мактабнинг педагогик жамоасига раҳбарлик қилиш, кадрларни тўғри танлаб, жой-жойига қўйишни таъминлаш;
- ходимларнинг ғоявий-сиёсий савиясини ва малакасини ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш;
- ўқитишнинг ғоявий-сиёсий йўналиши, ўқувчилар билимининг сифати ва уларнинг ҳуқ атори синфдан ва мактабдан ташқари ишларнинг мазмуни ва ташкил этилишига раҳбарлик қилиш ва назорат қилиб туриш;
- ўқувчиларнинг тўғри касб танлашини таъминлаш учун мактабда касбга йўллаш ишларини йўлга қўйиш;
- мактабдаги ёшлар ижтимоий ташкилотларининг муваффақиятли ишларини йўналтириш, мактаб ўқувчиларининг ота-оналари ва жамоатчилик билан олиб бориладиган ишларини ташкил этиш;
- мактабда ички меҳнат интизомига, санитария – гигиена таркибига, меҳнатни муҳофаза қилиш, хавсизлик техникаси қоида-риоя этилишини таъминлаш [81;117].

Олим таълимотида мактаб директори фаолиятининг бир тизим асосида самарали олиб борилиши унинг ўринбосарлари фаолияти ва ташкилотчилигига боғлиқлиги эътироф этилган. Мактаб директори ва маъмурияти томонидан мактабнинг режаси ва ички тартиб қоидаларига биноан жорий ва истиқбол режалар тузилади. Тузилган режалар педагогик кенгаш томонидан тасдиқланади. Бундан ташқари дарслар жадвали, уларнинг тақсимооти ва ўқувчиларни муассасага қабул қилиш, синфларни комплекшлаш (таркибини тўлдириш) режалаштиришнинг асосий таркибий қисми ҳисобланган.

С.Ражабов таълимотида мактаб ўқув-тарбия ишлари ва уларнинг мазмуни қуйидагича талқин қилинади:

1. Метод бирлашмалар фаолияти;
2. Педагогик кадрларни жой-жойига қўйиш;
3. Маъмурият ва ўқув-тарбиявий хўжалик ишлари юзасидан муддатли ҳисоботлар.

Мактаб таълимининг субъекти сифатида ўқитувчи шахсига алоҳида эътибор берилган. Ўқитувчи халқ маданиятини юксалтириш учун курашда давлатнинг асосий таянчи ва ёрдамчиси деб эътироф этилган. Шу ўринда ўқитувчи мутахассис ва шахс сифатида талаблар ҳам юқори даражада белгиланган, улар қуйидагилар:

- ҳар бир ўқитувчи нафақат ёш авлодни тарбиялаши, балки ўзи яхши ҳислатларга эга бўлиши ва уларни намоён қила олиши;
- ўқитувчи болаларни севувчи, ўз тарбиясидаги болаларнинг ғамхўри бўлиши ва

очик кўнгил, ўз касбини, хусусан фанини пухта билиши;

- болаларга нисбатан ўз ўрнида катъий ва жиддий талабчан бўлиши;
- ишда, юриш-туришда, муомалада, дуч келган ҳар бир муаммони реал ҳал этишда, кийинишда, жамоада ўз ўқувчиларига намуна бўлиши;
- ўқитувчи ўзи фаолият кўрсатаётган мактабнинг, педагогик кенгашнинг аъзоси сифатида мактаб ҳаётига, таълим-тарбия ва хўжалик ишларини яхшилашга доир фикрларини баён эта олиши лозим.

Дўстона педагогик жамоада ҳар бир ўқитувчи бутун жамоанинг муваффақияти учун қайғуриши, фақат ўзининг шахсий ютуқлари билангина кўзга кўринишга ҳаракат қилмаслиги лозимлиги, жамоа ютуғи ўқитувчининг ютуғи, ўқитувчининг ютуғи жамоанинг ютуғи сифатида эътироф этилиши ўша даврда шахс ва жамоа бирлигига алоҳида тавсиф беради. Бундан ташқари, ҳар бир ўқитувчига, унинг иши ва педагогик фаолиятига нисбатан иззат ва ҳурматда бўлиш билан бирга, мактабнинг ўқув-тарбия ишини яхшилашга қаратилган танқид ва ўз-ўзини танқидга ҳам катта эътибор берилган. Бинобарин, дўстона яшаш ва ишлаш фаолиятда катта-катта ютуқларга эришишнинг гаровидир. Шу билан боғлиқ ҳолда, даврнинг аҳил педагогик жамоасида яшаган ва мактабнинг умумий ишини юқори кўтариш учун курашган ҳар бир ўқитувчи элда эъзозланган. Бу билан мактаб ва турмуш ўз-ўзидан бир-бирига яқинлашган.

Академик С.Ражабов ўз фаолияти давомида қилган улкан хизматларидан бири шундаки, у Ўзбекистонда давр мактабининг тарихига бағишланган қатор монографияларни яратди. Мазкур монографиялардан ўзбек мактабининг яратилиши ва тараққиёти тарихининг босқичлари ажратиб берилган.